Қадамингг қутлуғ бўлсин, Наврўз!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 21-mart, chorshanba ✱ № 12-13 (765) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz



Шарқона янги йил бўлмиш бу сана одамзод қалбида эзгу интилишларни уйғотиб, унга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркагу аёл, ёшу қари — барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган севимли байрамидир.

Бу бетакрор айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, бағримизни кенг очиб, "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимизга тинчлик-омонлик келтирсин!" деб қарши олиш азалий одатимизга айланиб қолган.

Ислом КАРИМОВ







Фаровонлик айёми

Репортаж

Ҳамал остонасида туриб, қутлуғ айёмни ёмғир-қор билан қаршилаётганимиз деҳқон хирмонига, чўпон қўрасига барака бўлса, не ажаб. Табиат оқликка бурканган эса-да, қалбларда баҳорий илиқлик, юртда Наврўз шукуҳи. Қишлоғу шаҳарларда сумалак сайллари ўтаяпти. Қай бир гўшага боқманг, узоқ йиллик тарихга эга Наврўзни соғинган юртдошларимиз уни тантана билан нишонламоқдалар.

Биз гувоҳ бўлган пойтахтимизнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида байрам ўзгача кўтаринкилик, хушкайфият билан қарши олинаяпти. Талабалар уйларининг шундоққина ҳовлиларидаги дошқозонларда сумалак пиширилмоқда. Юртимизнинг турли гўшаларидан келган ва ҳар хил таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган ёшлар давра-давра бўлиб ўйин-кулгу қилишмоқда. Бундай хурсандчиликларда иқтидорли талабалар ўз чиқишлари билан иштирок этмоқдалар.

— Наврўз ҳар йили ўтказиладиган анъанавий байрам сифатида бизнинг 14-талабалар уйимизда ҳам кенг нишонланяпти, — дейди ЎзМУ журналистика факультети талабаси Лола Қўзиева. — Қарийб тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган ушбу байрам ҳар доимгидай кўтаринки рухда ўтмоқда. Катта дошқозонда сумалак пишди. Тенгдошларимизнинг қадриятларимиз акс этган келин салом ва қизиқарли, кулгуга йўғрилган турли ўйинлари, шеърий айтишувлари байрам қатнашчилари қалбига кўтаринкилик олиб кирди. Таниқли шоирларнинг даврамизга ташриф буюргани шеъриятга ошно йигит-қизларни янада қувонтириб юборди.

Наврўз тантаналари пойтахтимиз маҳаллаларида ҳам кенг нишонланмоқда. 19 март тонггида Наврўзни соғинган «Эски жарариқ» маҳалласи аҳли табиат инжиқликларига қарамай Саодат опа Деҳқонова томонидан ўстирилган буғдойни дошқозонга солишди. Эрталабдан бошланган куй-қўшиқлар тунгача давом этди. Хонанда Зиёда Қобулова ўзининг бир-биридан шўх қўшиқлари билан маҳалладошларининг кўнглини янада тўлқинлантирди.

3 »

Танлов давом этмоқда!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” VII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" VII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилмоқда.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2011 йилнинг 31 мартидан 2012 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2012 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛГАН:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— энг яхши матбуот хизмати;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2012 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35, 37-хоналар

Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.

www.Journalist.uz

✓ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги олдидан

Конституциямиз — Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажагини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз.

Ислом КАРИМОВ

2012 йилда ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги кенг нишонланади. Шу тарихий сана муносабати билан "Hurriyat" газетаси таҳририяти Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази кўмагида ҳаётимиз мазмуни — Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга қаратилган туркум таҳлилий мақолаларни эълон қилиб боришга киришди. Қуйида ер юзида дастлабки Конституция, унинг келиб чиқиши ва ҳаётда тутган аҳамиятига оид биринчи мақола эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ҲАЁТ ҚОНУНИ

"Эзгу ва дилкаш, нафрат ва эҳтирослар ёт бўлган одамлар амал қиладиган ўша муқаддас қонунни билинг!" Ушбу сатрлар милоддан аввалги II асрда битилган ҳуқуққа оид энг қадимий адабий ёдгорликларидан бири ҳисобланган кўҳна Ҳиндистоннинг **"Ману (Манава Дхармашастра) қонунлар китоби"**да келтирилган.

Бу ўринда гап ҳиндистонликларнинг машҳур китоби тўғрисида кетаётган бўлса ҳам, фикримизча, уни ҳар бир давлатнинг Конституциясига нисбат берса бўлади.

"Ману қонунлари" ёзилганидан анча илгари — милоддан аввалги тахминан 2300 йилда Лагаш шаҳри шоҳи Урунимгин томонидан амр этилган, 1877 йилда ҳозирги Ироқ ҳудудида топилган илк ҳужжат — қонунлар тўпламини ҳам бўлажак Конституцияларнинг дебочаси, десак, ўринли бўлар. Ўша даврлардаёқ адолатпарвар ҳукмдорлар ўз давлатларини битилган махсус ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб бошқаришга ҳаракат қилишган. Мазкур ҳужжатларнинг аҳамияти шундаки, улар моҳиятан инсоният ҳаёти эзгу мақсадларга хизмат қилишга қаратилганини англатиб борадиган, керак бўлса, тартибга соладиган яшаш қоидаси бўлиб, уларни қабул қилиш ваколати халқнинг ўзига берилган. Бунга мисол тариқасида кўҳна Юнонистондаги Спарта шоҳи Ликург томонидан чиқарилган қонунда ҳукмдорларнинг амрлари "агар халқ одилона эмас деб топадиган бўлса, ижрога нолойиқ" деб ҳисобланиши зарурлиги ёки қадимий Рим императори Сервий Туллийнинг "халқ қонунни қабул қилиш ёки рад қилиш, энг муҳими, уруш ва тинчлик ҳақидаги масалани ҳал қилиш ҳуқуқига эга экани" хусусидаги фармонларини келтириш мумкин.

Жамият тараққий этар экан, фақат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларнинг ҳуқуқий асосларигагина эмас, давлатнинг Бош Қонуни — Конституция яратилишига ҳам шу тарзда эҳтиёж туғилган.

Конституция (лотинча "constitutio" — "тузум" сўзидан) — ҳуқуқий атамашуносликка кўра, давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимлари негизини мустаҳкамлаб қўядиган Асосий Қонундир.

Конституцияларнинг тарихи, юқорида қайд қилинганидек, милоддан аввалги даврга бориб тақалади. Кўҳна юнон шаҳар-давлатларида, одатда алоҳида қонуншунослар томонидан ўрнатиладиган таъсис қонунлари мавжуд бўлган. Масалан, Афинада Солон ва Клисфен қонунлари энг машҳурлардан саналган. Спартада оғзаки эълон қилинадиган, "Катта қарор" номини олган қонунлар конституциявий хусусиятга эга бўлган. Ушбу шаҳар-давлатда ўрнатилган тартибга кўра, қонуншунослар халққа тайёрлаган қарорлари лойиҳасини таклиф этишган. Омма уларни қабул қилган ёки аксинча, рад этган. Яъни бевосита халқ олий ҳокимият манбаи ҳисобланган.

Ҳозирги даврдаги аҳамиятига кўра Конституция фақат халқ томонидан ёки халқ номидан қабул қилиниши мумкин бўлган юридик ҳужжатдир. XVII асрдаёқ жамиятда унинг албатта халқ томонидан қабул қилиниши зарурат экани ғояси оммалашган. Адолатпарвар мутафаккирларнинг фикрига кўра, ҳукмдорларнинг мутлақ ҳуқуқларини чегаралаш ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш бутун миллат иродасида мужассамлашган.

Турли даврларда турли фикрли одамлар томонидан уни қабул қилиш, ҳаётга татбиқ этиш масаласида ажабтовур қарашлар ҳам илгари сурилган. Масалан, 1653 йилда Кромвель томонидан тақдим этилган, лекин амалга ошмай қолган "Халқ битими" лойиҳаси шулардан биридир. Унинг ғоясига кўра, Асосий Қонуннинг бутун халқ томонидан имзоланиши зарурат экани билдирилган. Кейинчалик бундай талаб Жан-Жак Руссо томонидан ҳам кўтарилган. У Конституцияни ўрнатиш учун барча фуқароларнинг рози бўлиши зарур, деб ҳисоблаган. Бундай ҳужжат бир овоздан қабул қилиниши ва фуқаролар томонидан имзоланиши, Конституцияни тан олмайдиганлар эса бу давлатнинг фуқароси эмас, балки хориж лик ҳисобланиши таклиф қилинган.

Конституция халқ суверенитети, унинг якдил иродасини ифода этиши лозим. Унинг туб моҳияти Асосий Қонун назарияси ва амалиётида ҳозир ҳам энг устувор ҳисобланади. Кўпгина демократик давлатлар Конституциялари **"Биз — халқ мазкур Конституцияни қабул қиламиз"** (эълон қиламиз, таъсис қиламиз) деб бошланиши тасодифий эмас.

Жаҳондаги ҳозиргача амал қилаётган Конституцияларнинг дастлабкиси 1600 йилда қабул қилинган Сан-Маринонинг Асосий Қонуни ҳисобланади. У 1300 йилдаги шаҳар уставига асосланган. **Бевосита Конституция сифатида эълон қилинган биринчи Асосий Қонун эса 1787 йил 7 декабрда Делавер штати томонидан ратификация қилинган АҚШ Конституциясидир.**

Асосий Қонун ёзма равишда алоҳида битилган ёки битилмаган тарзда бўлиши мумкин. Амалиётда аксарият мамлакатларда амал қилаётган, ёзма равишда битилган конституциялар ягона норматив ҳужжат ёки Буюк Британия, Янги Зеландия ва Швециянинг конституциялари каби бир нечта конституциявий ёхуд органик қонунларнинг жамланмасидан иборат бўлиши ҳам кузатилган.

«Алоҳида битилмаган конституциялар» дейилганда конституциявий хусусиятга эга бўлмаган қонунларда мавжуд, конституциявий хусусиятга эга ҳуқуқий нормаларнинг Асосий Қонун сифатида эътироф этилиши англашилади.

Конституция бошқа қонунлардан алоҳида юридик мақоми билан фарқланади. У биринчидан, давлат тузуми, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, давлатнинг ва давлат ҳокимияти олий органларининг тизимини белгилаб қўяди; иккинчидан, олий ҳуқуқий кучга эга бўлади; учинчидан, жорий қонунчилик учун ҳуқуқий асос ҳисобланади; тўртинчидан, қабул қилиш ва ўзгартиришлар киритишнинг алоҳида тартиби билан ажралиб туради.

Конституциялар қабул қилиниши тартиби бўйича таъсис этилиши (Италия ва Ҳиндистон конституциялари), референдум воситасида қабул қилиниши (Франция ва Россия конституциялари), давлат бошлиғи томонидан кучга киритилиши (Эрон ва Саудия Арабистони конституциялари), баъзан истисно тариқасида янги ташкил этилган давлатлар учун ташқи субъект, масалан, бошқа давлат раҳбари (Буюк Британия қироли ёки қироличаси) томонидан "туҳфа қилиниши" ҳам мумкин.

Конституцияни қабул қиладиган субъектнинг ўзига хослиги Асосий Қонун туб моҳиятининг белгиси унинг таъсис хусусиятини ифодалайди. Демократик давлатда халқ ҳокимиятнинг ягона манбаи бўлгани учун бевосита у таъсис этиш ҳуқуқига эгадир. Бу эса халқнинг конституцияни қабул қилиш ва бу орқали мазкур халқ ўзи учун танлайдиган жамият ва давлат қурилиши асосларини таъсис этишини ифода қилади. Фақат таъсис этиш ҳуқуқига эга бўлган халқ жамият ва давлат асосларини ўзгартириши мумкин.

Конституциявий ҳуқуқда таъсис этиш ҳуқуқига эга ҳокимият (яъни халқ) билан таъсис қилинган (ижро этувчи) ҳокимият ўртасидаги тафовут аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, ушбу ҳуқуқий мақом Германия Конституциясида бевосита ифодасини топган: "Немис халқи ўзининг таъсис этиш ҳокимияти кучи билан ўзи учун мазкур Асосий Қонунни қабул қилди".

Конституциянинг таъсис этиш моҳияти унинг қоидалари туб асосга, бирламчи хусусиятга эга экани билан ўз ифодасини топган. Мазкур принцип конституциявий қоидаларни ўрнатиш учун ҳеч бир ҳуқуқий чеклашлар мавжуд эмаслигини англатади. Шу билан бирга, давлатдаги бирорта қонун, норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга зид бўлиши мумкин эмас.

Давлатнинг қонун ижодкорлиги ҳам бевосита Конституция томонидан белгилаб қўйилади. Асосий Қонунда турли органлар томонидан қабул қилинадиган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг ҳуқуқий кучи, қабул қилинишининг тартиби кўрсатилади.

Ўзгартирилиши тартиблари бўйича Конституциялар эгилувчан, ўзгармас ва аралаш каби гуруҳларга таснифланади. Эгилувчан конституцияларга ўзгартириш ва қўшимчалар одатдаги қонунлар ёрдамида киритилиши мумкин. Конституциявий нормаларга эга бўлган бундай қонунлар Асосий Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларни ўзгартиради ёки унга янги қоидалар киритади.

Ўзгармас конституцияларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин эмас ёки бундай қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш ниҳоятда мураккаб хусусиятга эга бўлади. Аралаш тарздаги конституцияларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин, лекин уларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ман этилган боблар бўлади.

Конституция моҳиятини англатадиган яна бир хусусият унинг тартибга солиш ваколати ялпи хусусиятга эга эканини билан фарқланишидир. Бошқа бирон та норматив-ҳуқуқий ҳужжат бундай хусусиятга эга эмас. Конституция жамиятнинг барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳаларини тартибга солишнинг, ижтимоий муносабатларнинг туб асосларини белгилаб беради.

Конституция алоҳида ҳуқуқий хусусиятларга эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Улар қуйидагиларда мужассамланган:

- Конституциянинг устуворлиги;
- унинг олий ҳуқуқий кучга эгалиги;
- унинг давлат ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқнинг тизим негизи сифатидаги роли;
- Конституциянинг алоҳида муҳофаза қилиниши;
- Конституцияни қабул қилиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишнинг алоҳида хусусияти.

Булардан Конституция яхлит, алоҳида юридик хусусиятларга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат экани, халқ ўзининг Асосий Қонуни орқали жамият ва давлат тузилишининг асосий принципларини таъсис этиши, давлат ҳокимиятининг субъекти, уни амалга ошириш механизмини белгилаши, давлат томонидан муҳофаза қилинадиган инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва бурчларининг кафолатланиши англанади.

Жаҳон конституциявий ҳуқуқига мурожаат қилинадиган бўлса, Конституцияни ишлаб чиқиш жараёнига ҳар бир мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, халқаро-ҳуқуқий, тарихий омиллар, қонунчилик анъаналари таъсир қилишини кўриш мумкин. Масалан, АҚШ ўз Асосий Қонунини ишлаб чиқиш мақсадида 1787 йилда таркибидаги штатлар (давлатлар) вакилларининг конгрессини чақирган. Ушбу конгресс Конституциянинг штатлар томонидан таклиф этилган лойиҳаларини беш ой давомида кўриб чиққан. Улар орасида Виржиния штати томонидан таклиф этилган, муаллифи Жеймс Медиссон бўлган Конституция лойиҳаси конгресс аъзоларининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланган. Орадан етти ой ўтгандан сўнг у АҚШнинг тўққиз штати томонидан қабул қилинган ва кучга кирган. 1791 йили мазкур Конституция мамлакатнинг барча штатлари томонидан қабул қилинган. Худди ўша йили АҚШ давлатининг Асосий Қонунига биринчи ўнта тузатиш — "Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл" киритилган.

Дунё халқлари тақдири ва турмуш тарзлари каби уларнинг ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган Асосий Қонунларнинг яратилиш тарихи ҳам ранг-барангдир. Буни Франция, Италия, Япония сингари мамлакатлар Конституциялари тарихи мисолида ҳам кўриш мумкин. Нима бўлганида ҳам, неча минг йиллар ортда қолган бўлса ҳам, замон эврилишлари инсоният онгига қанчадан-қанча таъсирларни ўтказган бўлса ҳам, Конституциялар яратилишидаги турфалик халқ манфаатидан устун қўйилмаган. Чунки Конституция устуворлиги жамият фаровонлигига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

Муносабат

Раҳбарлик масъулияти

"Айниқса, замоннинг юриши, ўзгариши билан аввало раҳбарлар, етакчилар ўзгариши керак. Биз XXI аср — интеллектуал тараққиёт асри, деб кўп гапирамиз. Модомики, шундай экан, бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-ҳунарнинг эгаси, аввало ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончига муносиб бўлиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган, қатъиятли шахс бўлиши лозим."

Ислом КАРИМОВ

(Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан.)

Муҳтарам Юртбошимизнинг шу йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек, барча соҳаларда етакчилик қилаётган раҳбар кадрларнинг замон билан ҳамқадам бўлиши, ўзларига ишонилган вазифаларни қатъият билан виждонан бажариши мамлакатимизнинг юксак тараққиёт чўққилари сари етаклайдиган омиллардан биридир. Айниқса, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни раҳбар кадрларнинг ўз зиммаларидаги вазифаларга янада масъулият билан ёндашишни тақозо қилади. Зеро, раҳбар кадрларнинг бирламчи вазифаси фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун шарт-шароит яратиш, жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва шахслар ўртасидаги адолат мувозанатини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз раҳбари истиқлол арафасида, яъни маъмурий-буйруқбозлик, режали тақсимот тизими ҳукмронлик қилган пайтлардаёқ миллий кадрлар ва уларнинг масъулияти масаласига алоҳида тўхталиб: "Республикада кадрлар ишини жиддий қайта қуриш зарур. Кадрларни танлаш чоғида, энг аввало, уларнинг сиёсий, ишчанлик, профессионал ташкилотчилик фазилатларига, ташаббускорлигига, масъулиятни ўз зиммасига ола билишига асосий эътиборни қаратиш керак. Биз Ўзбекистонда етарли бўлган истеъдодли, истиқболли кишиларни топа билишимиз, уларни тарбиялашимиз ва уларга масъулиятли соҳаларни ишониб топширишимиз лозим" деган ғояни илгари сургани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, бошқарув ходимларининг масъулиятини ошириш шунинг учун ҳам зарурки, у фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қураётган Ўзбекистон шароитида муҳим аҳамият касб этади. Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари таҳсил жараёнида олган сабоқларимиз натижасида бунга яна бир бор амин бўлдик. Эътибор бериб қаралса, ҳозирги кунда бу масала бир қатор омиллар билан ифодаланади:

Биринчидан, бошқарув ходимлари конституциявий, ижтимоий-ҳуқуқий маконда фаолият кўрсатади. Бу уларнинг оммавий, шунингдек, институционал-норматив хусусиятини белгилайди, **оммавий-ҳуқуқий масъуллигини** талаб қилади.

Иккинчидан, етакчи ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажаришга қобил бўлиши лозим. Бу раҳбар ва мансабдор шахсларнинг бошқарув фаолиятида улардаги **ташкилий-бошқарув масъулиятини**нг мавжудлигини назарда тутади.

Учинчидан, раҳбарлар ижтимоий жараёнларни бошқариш тизимидаги мавқеига кўра, ўзига тегишли ҳудудда умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик вазифалар, аҳолининг сиёсий эҳтиёжларини қондириш доирасида ижтимоий-сиёсий, маданий-социал вазифаларни бажаради. Бу ҳолат **мансабдор шахсларнинг ижтимоий-сиёсий масъулиятини** оширишни зарурат қилиб қўяди.

Тўртинчидан, бошқарув ходимларининг фаолияти профессионал фаолият ҳисобланади. Шу боис, Юртбошимиз таъкидлаганидек, улар катта аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда юксак касбий маҳорат ва лаёқатга эга бўлишлари лозим. Бу эса уларнинг **касбий-мансаб фаолиятида ўз масъулиятини англаб етишини** тақозо этади.

Бешинчидан, кадрлар фаолияти фуқаролик ва хўжалик масалаларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, шунингдек, қонунлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ. Улар етарли даражада бошқарув функцияларини бажармаган тақдирда фуқаролар, юридик шахслар, жамоат ташкилотлари ёки бошқа тузилмалар манфаатларига зиён етказишлари мумкинлиги бу соҳадаги **бошқарув ходимларининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳам масъулият туйғусини ҳис этишларини** талаб қилади;

Олтинчидан, бошқарув ходимларининг фаолияти нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий меъёрлар билан ҳам тартибга солинадики, бу уларнинг ижтимоий муҳит билан ташқи алоқаларига ҳам, ижтимоий-касбий муносабатларнинг ички масалаларига ҳам тегишли фаолият кўрсатишини тақозо этади. Пировардида бу жараён маҳаллий бошқарув ходимларининг **ахлоқий жиҳатдан** ҳам **масъулиятли бўлишларини** назарда тутади.

Фуқаролик жамиятини қуриш шароитида маҳаллий бошқарув кўпроқ жамиятдаги ижтимоий ишончнинг асосий шакли сифатида бошқарув ходимлари эса халқ ҳокимияти вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Шунингдек, бошқарув фаолиятида ходимларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан жавобгарлик ҳиссини сезишлари ҳам уларни ўз фаолиятига масъуллик билан муносабатда бўлишга ундайди. Шу маънода, бошқарув ходимларининг масъулияти, бир томондан, ходим масъулиятининг ошиб боришини рағбатлантириш, бошқарувни такомиллаштириш зарурати билан мувофиқ ҳолда кечади, иккинчидан, уларнинг хулқ-атворини маънавий омиллар, умуминсоний қадриятлар асосида юксалтириб туришни тақозо этади.

Хуллас, раҳбарлик масъулияти фақат унинг ўз олдига қўйган талабларигина эмас, балки бутун бир жамоанинг мақсад, талабларини англашини, жамоа фаолияти оқибатлари учун барча масъулиятни ўз зиммасига ола билишида намоён бўлади. Юртбошимиз ўз чиқишларида кўп бор таъкидлаганидек, «Раҳбарликни зиммасига олган шахсга кўп ҳуқуқ берилган, лекин унинг масъулияти ҳам каттадир».

Алишер НУРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси



Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларга яратилаётган имкониятлар самарасида Қашқадарё вилоятида ҳам юқори сифатли халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўлами тобора кенгаймоқда.

Қарши шаҳридаги "Roison servis Karshi" хусусий корхонасида турли хилдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Қашқадарё вилоят бўлимининг молиявий кўмаги билан иш бошлаган корхона замонавий, компьютерлаштирилган техника ва ускуналар билан жиҳозланган. 10 киши иш билан таъминланган корхонанинг янгича дизайндаги бежирим, юқори сифатли маҳсулотлари харидорларга ҳар томонлама манзур бўлмоқда.

Суратда: корхона ишчиси Жавлон Отабоев.

Наврўз – қадимий ва боқий байрам

Халқимиз ҳаётидаги муҳим саналар, байрамлар орасида Наврўз ўзида қадимий анъана ва урф-одатларимиз, меҳр-оқибат ва саховат каби юксак инсоний фазилатларни намоён этиши билан ажралиб туради.

Бир неча минг йиллик тарихга эга ушбу байрам аждодларимиз томонидан шарқона янги йил сифатида кенг нишонлаб келинган. Инсон ва табиат ўртасидаги муштараклик, деҳқончилик мавсумининг бошланиши Наврўз шодиёналарида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам асрлар оша бу байрам боқий қадрият, миллий маросим сифатида яшаб келмоқда. Зеро, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида қайд этилганидек, Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодасидир.

Халқимизга хос анъана ва фазилатлар мужассамлиги учун ҳам олис ва яқин тарихимизда бу байрамни чеклаш, уни одамлар қалбидан ўчиришга уринишлар бўлган. Лекин ота-боболаримиз ҳар қандай шароитда, ҳатто яширинча бўлса-да, Наврўзни нишонлаганлар, байрамга хос удумларни адо этганлар. Президентимиз Ислом Каримов томонидан миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклашга қаратилган юксак эътибор туфайли Наврўз юртимизда умумхалқ байрами деб эълон қилинди ва ҳар йили анъанавий тарзда кенг нишонланмоқда.

Юртимиз тарихи ва маданиятига оид қимматли манбалар, қадимий ашёларга эга Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси фондида ҳам Наврўз билан боғлиқ кўплаб маълумот ва экспонатлар сақланмоқда.

— Аждодларимиздан бизгача етиб келган кўплаб тарихий китобларда Наврўз ҳақидаги маълумотлар учрайди, — дейди Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси санъат бўлими мудири Сафура Рўзимуродова. — Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк», Абу Бакр ал-Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарларида Наврўз тарихи, бу байрамдаги маросим ва ижро этиладиган халқ қўшиқлари билан боғлиқ маълумотлар келтирилади. Уларда баён этилишича, Наврўзни байрам сифатида нишонлаш милоддан аввалги VI-V асрларда бошланган.

Наврўзда ўтказиладиган асосий маросимлардан бири бу — сумалак пишириш билан боғлиқ. Сумалак баҳор ойларида, асосан, Наврўз муносабати билан тайёрланадиган қадимий ва шифобахш таомдир. Унинг келиб чиқиш тарихи бўйича кўплаб ривоятлар мавжуд. Аммо, шуниси эътиборлики, сумалак қўни-қўшни, қариндош-уруғ, умуман кўпчилик иштирокида тайёрланади ва бу жараёнда одамлар ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланади.

Музей-қўриқхонамизнинг археология фондида қадимий Афросиёбда ўтказилган қазишма ишлари пайтида топилган милоддан аввалги VI–V асрларга тегишли ўғир сақланади. Аждодларимиз Наврўз кунларида пиширилган сумалак учун ундирилган буғдойни мана шу ўғирда эзиб, ширасини олганликлари манбаларда баён этилган.

Ушбу фонддаги Наврўз билан боғлиқ нодир ашёлардан яна бири VII-VIII асрларга оид ошиқлар ҳисобланади. Ошиқ ўйини қадимий миллий ўйинлардан бўлиб, асосан баҳор пайтларида, байрамларда ўйналган. Музейда сақланаётган ўртаси тешик бу ошиқлар айнан ушбу ўйин учун мўлжалланган. Бу ҳақда кўплаб тарихий китобларда маълумотлар бор.

Этнография фонди бўлимида сақланаётган Наврўз байрамларида хотин-қизлар кийган миллий либослар, турли тақинчоқ ва безаклар ҳам ўзига хос тарихга эга. XIX аср охири ва XX аср бошларига оид бу ашёларда Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент ва Фарғона водийси аҳолисининг турмуш тарзи, кийиниш маданияти ва анъаналари ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, музей-қўриқхона тасвирий санъат фондида Наврўзга оид маросимлар, халқ сайиллари ифода этилган кўплаб рангтасвир ва графика асарлари мавжуд. Бу ашёлар ҳам ушбу байрамнинг тарихи, у билан боғлиқ қадриятлар ҳақида ҳикоя қилади. Жумладан, самарқандлик машҳур рассом Намоз Султонов томонидан 1977 йилда ишланган асарда сумалак пишириш маросими ўз аксини топган. Яна бир таниқли ижодкор Мирсаид Самадов Наврўз маросимидаги кураш миллий ўйинини тасвирлайди. Бундай рангтасвир асарлари Наврўз тақиқланган пайтларда ҳам, халқимиз ўзлигини йўқотмаган ҳолда, бу байрамни тор доираларда бўлса-да, нишонлаганини, анъаналарни сақлаб қолганини кўрсатади.

Кейинги йилларда Наврўз байрами арафасида музей-қўриқхонада сақланаётган ноёб экспонатларни жамлаган ҳолда махсус кўргазмалар ташкил этиш яхши анъанага айланиб бормоқда. Хусусан, бу йил ҳам байрамга бағишланган экспозиция ўтказиш мўлжалланмоқда. Самарқанд шаҳридаги Чорсу галереясида ташкил этиладиган мазкур тадбирда Самарқанд каштачилиги тарихи ва анъаналари, уларда табиат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қандай акс этгани ҳақида маълумот берилади.

Бундай тадбирлар ёшларнинг халқимиз тарихи ва маданияти, боқий анъана ва қадриятлари ҳақидаги билим ва тасаввурини бойитишга хизмат қилади.

Голиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Фаровонлик айёми

(Боши аввали 1-бетда.)

— Ҳар йили иккита қозонда сумалак тайёрлаймиз, — дейди маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисаси Муаттар Зоҳидова. — Бу йил ҳам шундай бўлди. Оқсоқолимиз Иброҳим ака бошчилигида ташкил этилган тантанага маҳалладошларимиз қўлидан келганча ҳисса қўшишди. Кам таъминланган оилаларга, қарияларга сумалак, сумалакка қўшиб меҳр улашдик. Уларнинг ҳолидан хабар олдик. Турли совғалар, 5 килограммдан ёғ, 10 килограммдан гуруч тарқатдик. 299-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари йиғилганларни шеър ва ашулалари билан хурсанд этди.

Наврўз тантаналари нафақат пойтахтимизда, балки юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам кенг нишонланмоқда.

— Вилоятимизда ҳам Наврўз тантаналари ҳар йилгидек кўтаринки руҳда бошланди, — дейди «Хоразм ҳақиқати» мухбири Акмал Жумамуродов. — Ҳар бир туманда сайллар уюштирилмоқда. Дастурлар намойишида миллий қадриятларимиз ўз аксини топган. Дарбоз, хўрозлар жангги, қўчқор уриштириш, арқон тортиш каби халқ ўйинлари ўтказилмоқда. Шунингдек, тантаналар давомида Хоразмнинг ўзига хос ўйноқи оҳанглари, куй-қўшиқлари, айниқса, сурнай садолари инсонлар қалбидаги жўшқин туйғуларни уйғотиб юборди.

Истиқлол насимлари туфайли қаддини қайта тиклаган Наврўз тантаналари юртимизнинг барча гўшаларида ана шундай кўтаринки руҳда бошлаб юборилди. Зеро, халқимиз узоқ йиллар ардоғида асраган Наврўз ҳар бир юртдошимизнинг қалбига баҳор чечаклари каби ажиб ифорлар, чексиз қувончу шодликлар улашмоқда. Янги кун, янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг файзу тароватини ҳар бир ватандошимиз қалбини покламоқда. Юртимизга қадам ранжида қилган баҳор қувончлари, айём шукуҳи ҳали узоқ давом этади.

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири



Боболарнинг асрларни қаритган ўлчови

Ота-боболаримиз қадимдан қуёш ва ой ҳаракатини, буржлар ҳолатини яхши билишган. Шу асосда буржий йилнома яратишган. Унда бобокалонларимизнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибалари, кузатишлари маҳсули мужассам бўлиб, деҳқончилик ва чорвачиликка доир кўпгина тадбирларнинг моҳияти, табиат ўзгаришларининг инсон ҳаётига таъсири ўз ифодасини топган.

Маълумки, Шарқ халқлари йилномаси шамсий тақвим тизимида яратилган. Уни ажойиб шоир, математик файласуф ва мунажжим Умар Ҳайём 1074 йилда Хуросон амири Султон Маликшоҳ таклифига кўра ислоҳ қилади. Бу тақвим итальян математиги ва шифокори Луижи Лилио тузган ва 1582 йил 24 февралда қабул қилинган, ҳозир ҳам амалда бўлган Григорий тақвимидан бирмунча мукаммал ва аниқ.

12 та бурж номи билан аталадиган ҳижрий-шамсий йилноманинг боши — **Ҳамал** баҳорнинг биринчи ойи бўлиб, 31 кун (21 мартдан 20 апрелгача) давом этади. «Ҳамал» арабча сўз бўлиб, «Қўй» деган маънони англатади. Мунажжим боболаримиз осмондаги ўн икки юлдуз буржидан биринчисига кирувчи ёритқичлар тўпламини қўзи (қўй)га ўхшатишган. Умуман олганда, Умар Ҳайём тақвимида 12 ой тўртта бурж фасли (буржи обий, буржи норий, буржи бедий, буржи ҳокий)га бўлиб олинган.

Қадим замонларданоқ кўкламнинг илк ойи муҳим аҳамиятга эга деб қаралган. Қизиғи шундаки, деҳқонларимиз ҳозир ҳам баҳорги дала ишларини қушларнинг кўкламги қайтиш вақтига қараб белгилайдилар. Улар қушларнинг учиб келиши бежиз эмас, об-ҳавода муайян ўзгаришлар рўй беради, деб ҳисоблашади. Баҳор фаслида қушларнинг учиб келиши билан боғлиқ ўзига хос вақт ҳисоби ҳам яратилган. У Хоразмда «қуш қайи» («Қай» сўзи «қаттиқ шамол», «довул» дегани), Бухоро вилоятининг айрим қишлоқларида эса «қуш далғаси» деб юритилади.

Таниқли олим И.Жабборовнинг ёзишича, Хоразм воҳаси деҳқонлари дала ишларини бажариш муддатини қадимдан еттита қуш қайига қараб белгилашган. Унга кўра, қуш қайининг илк даракчиси февраль ойининг охирида қор аралаш ёмғир ёғиб турганда учиб келадиган чай деган қушдир. Бу қуш қайтиши биланоқ деҳқонлар дастлабки дала юмушларини бажаришга киришган. Баҳор эрта келган йилларда эса чай келганида деҳқонлар айрим экинларни экқан вақтлар ҳам бўлган. Кўккарға учиб келиши билан (апрелнинг охирларида) қуш қайи ҳисоби тугайди. Экин-тикин ишлари якунланиб, далаларда уларнинг парваришига эътибор қаратилади.

Ҳамал ёмғири — кузги буғдойнинг «қони». Баҳор кунлари тез-тез ёмғир ёғиб турса, лалми экинлар ривожи тезлашади. Ҳароратли офтоб остида кўклам оби ҳаётидан баҳра олиб бўй чўзган буғдойларнинг бошоқлари бўлиқ, дони йирик бўлади. Агар баҳор қурғоқчил келса, буғдой ўсишдан барвақт тўхтайди, ҳосилида барака бўлмайди.

Халқимиз орасида бу ойнинг кечиши ҳақида «Ҳамал кирди – амал кирди», «Яхши одам кўзидан маълум, яхши йил Наврўзидан», «Қўрқма Ҳутнинг қишидан, қўрқ Ҳамалнинг бешидан» каби ўгитлар мавжуд. Худди шунингдек, эрта баҳорда қаттиқ шамол эсса, йил ёмон ёки апрелнинг дастлабки беш куни ёмғирли бўлса, йил яхши келади. Баҳорнинг илк кунларида яшин чақнаб, момоқалдироқ овози эшитилмаса, ёз қуруқ келади, деган гаплар ҳам бор.

Ҳамалдан кейин **Савр** ойи киради. Савр — «ҳўкиз» дегани. Фалакиётнинг иккинчи юлдуз буржидаги самовий жисмлар ҳўкизга ўхшаб кўрингани учун шундай номланган. Деҳқонлар Савр кириши билан дала ишларини янаям қизитиб юборишади.

Йилноманинг учинчи ойи **Жавзо** бўлиб, баҳорнинг ёз тўқсони билан алмашинадиган даврга тўғри келади. Жавзо фалакиёт илми талқинига кўра, ўн икки юлдуз буржидан учинчисининг номи, маъноси «эгизак қизлар» демакдир. Деҳқонлар Жавзони «юзнинг усти» деб атайдилар. Бу ибора май ойининг охирларидан бошланадиган «юз ҳисоби» билан алоқадор. Деҳқонларнинг анъанавий ҳисоб-китобига кўра, «юз ҳисоби» мезон ойи келишига юз кун қолди, деган маънони англатади. «Юз ҳисоби» деҳқончилик қилиш учун қулай об-ҳаво сақланиб турадиган юз кунлик мавсум ҳисобланади. Экинлар барқ уриб ўсаётган кунларда ёмғир шаррос қўйса, ёғингарчилик бўлса, Жавзода ёққан ёмғирдан ёмон кўргулик йўқ, дейишади деҳқонлар.

Саратон — ёзнинг биринчи ойи. 22 июндан 22 июлгача давом этади. Кўкдаги ўн икки буржда тўртинчиси, «Қисқичбақа» деган маънони англатади. Саратонда экинлар парваришига эътибор янада кучаяди. Деҳқон юз ҳисоби тугагунга қадар ўзига зарур экинларни экиб улгуришга интилади. Қимматли дамларни ўтказиб юбориб, экиш мавсумини қўлдан бой берган одамлар ернинг умри бекор ўтгандан кўра жилла қурса, «молга ўт, товуққа дон бўлар», дея тариқ экишади.

Саратонни «ёз чилласи» деб ҳам атаймиз. «Чилла» ёз ва қиш тўқсонининг энг иссиқ ва энг совуқ қирқ кунлигини ўз ичига олади. Илгариги даврларда сув танқислигидан ёки саратоннинг иссиқ гармселидан юрагини олдириб қўйган деҳқонлар табиатнинг ҳарна инсоф қилишига умид боғлаб, «чилладан қолгани бизники» дейишган.

Халқ орасида Саратон ҳақида ҳам ҳаётий ўгитлар бор. Уларга амал қилган чорвадорлар панд емайди. Мисол сифатида «Яхши келса Саратон, писанд эмас қаҳратон», «Саратонда сув қўй», «Саратон иссиқ деб ётма, қўлингдаги нақдинг йўқотма!», «Саратонда ток суғорса соҳибкор, узумин олдида асал ҳам бекор» каби ибораларни келтириш мумкин.

Ёзнинг ўртасида **Асад** ойи доҳил бўлади. Фалакиёт илмига кўра, ўн икки бурждан бешинчисини аждодларимиз шер шаклида тасаввур қилишган. Қуёш саратон буржидан ўтганда деҳқон ойномасида Асад бошланади. Бу ой кириши билан об-ҳавода муайян ўзгаришлар рўй беради. Ҳарорат бирмунча пасайиши ёки қирқ даражадан ошиб кетиши ҳам мумкин.

Деҳқон ва чорвадорлар орасида Асаднинг сўнгги ҳафтаси қуруқ келса, куз яхши бўлади, ойнинг иккинчи ўн кунлигида чўл қуши, қорабовурлар тўда бўлса, куз эрта бошланади, деган гаплар юради. Шу сабабли ишнинг кўзини билган деҳқонлар, чорвадорлар бу ойнинг имкониятларини қўлдан чиқармаслик учун тиниб-тинчимайди. Шу боис, «Асад — экинингни ясат!», «Сунбула кирди, ётма тек, макка билан шолғом эк» дейишади. Асад ойида чўпон қўзини яна бир карра саралайди. «Қўй керак бўлса — Асадда, жун керак бўлса — Сунбулада қирқимни ўтказ» деган панд ижросига киришилади.

Сунбула августнинг 22 кунидан сентябрнинг 21 гача давом этади. У ўн икки бурждан олтинчисининг номи бўлиб, «бошоқ» деган маънони англатади. Айрим жойларда «Сунбула тушганини сув билар», дейдилар. Бунинг боиси шуки, ёз тўқсони охирида, чилла тугаши билан ўлкамизда фасллар алмашади, дарёлардаги сув ҳарорати пасаяди. Ёз кечалари аста-секин узаяди, салқин тушади. «Сунбулада сўниб кир» деган гап шундан қолган.

Сунбула деҳқончилик учун энг масъулиятли давр ҳисобланади. Деҳқон йил бўйи пешона тери эвазига етиштирган ҳосилини нестнобуд қилмай йиғиб-териб олишга киришади. Бу ойдан кузнинг тўқсони бошланади, дарахтлар барги сарғайиб, аста-секин тўкила бошлайди.

Бундан сўнг **Ақраб** ойи киради. Ақраб арабчада «чаён» демакдир. «Ақраб — экинлар қолар қақраб» деган мақол ҳам бежиз айтилмаган. Бу ойда деярли барча экинларни, дов-дарахтларнинг баргини совуқ уради. Чунки бу ойдан сўнг кузнинг энг совуқ даври бошланади. Шу сабабли «Ақраб келар айқириб, совуқларни чақириб» дейишади. Деҳқонлар Ақрабда кузги буғдойни майсалатиб олишга улгуриш учун шошилишади. Акс ҳолда ер музлаб, сочилган дон кўкармай қолиши мумкин. Бу ойда дарахт барги учидан тўкилса, қиш мўътадил келади. Дафъатан чақмоқ чақиб, момоқалдироқ гулдираса, «Тамом, қишни уриб кетди» дейишади, қиш қаттиқ келмайди.

Куз фаслининг якунловчи ойи — **Қавс**. Деҳқонлар бу ойда экиндан бўшаган ерларни шудгорлаб, келгуси мавсумга тайёрлашади. Деҳқончилик учун энг масъулиятли давр яхоб суви бериш мавсуми бошланади. Қишнинг қорли-қировли кунлари бошланмай, ер музламасдан туриб далаларнинг шўрини ювиб, келгуси йилга тахт қилиб қўйган деҳқон янги йилни хотиржам қаршилайди.

Жадий (арабча — «улоқ») ойи кириб келиши билан кексалар «тўқсон кирди», дейдилар. Чунки шу даврдан қиш тўқсони бошланади. Кунлар ҳам аста-секин узаяди. Халқимиз орасида «тўқсонда тўрғай одимидай, чиллада чил (қушнинг бир тури) одимидай кун узаяди», деган нақл мавжуд. Жадийнинг охирида қишнинг энг совуқ пайти — қиш чилласи киради. Халқимиз бу даврни иккига — катта ва кичик чиллага бўлади.

Катта чилланинг ўртасида, яъни 21 январдан **Далв** ойи бошланади. Далв ўн биринчи буржнинг номи бўлиб, «Қудуқдан сув олади-ган чарм идиш, қовға» деган маънони англатади. Тўқсоннинг қоқ ярмидан сўнг, 8 февралда, деҳқонлар тили билан айтганда, «қантар оғади». Бунинг маъноси шуки, қишнинг кўпи кетиб, ози қолади. Энди қиш қисқара бошлайди, баҳор яқинлашади. Шу сабабли «Қантар оғса, қозиқ бошида қор турмас», дейдилар. Кўклам яқинлашгач, деҳқонларнинг юрагига қўр тушади, қиш бўйи йиғиб қўйилган гўнгни далаларга ташийди, уруғликни саралайди. Кичик чилла навбатини Хутга топширади.

Деҳқон тақвими **Хут** ойи билан якунланади. Хут қадимги фалакиётда ўн иккинчи юлдуз буржининг атамаси бўлиб, маъноси «балиқ» демакдир. Хут ойи ҳижрий-шамсий йилни якунлаб, янги йилни бошлаб беради. Бу ойда табиатда уйғониш бошланади, қорлар эриб, қир-адирлар яшнаб кетади. Агар баҳор барвақт келса, молларнинг қорни ўтга тўйса, қиш қаҳатчилиги тезда унутилади. Мабодо кўклам чўзилиб, Хут ёмон келса, бу чорвачилик учун талай ташвишлар туғдиради.

Ойнинг сўнгги етти кунида «Айёми Ажуз» (Ажуз момо) даври бўлади. Ажуз момо: «Ҳой тўқсон (қиш кўзда тутилади), ғазаб қилсам, бир кунимча йўқсан» дермиш. Ойнинг шу кунлари (13 мартдан 20 мартгача)да баъзан қор ёғади, изғиринли совуқ, бўронлар бўлиб ўтади. «Хутнинг ҳар дақиқаси кузнинг ўнига тенг дейди» доно халқимиз. Хут 20 мартда янги йилнинг биринчи ойи — Ҳамалга (21 март — Наврўз) ўз ўрнини бўшатади.

Кўриниб турибдики, ҳижрий-шамсий тақвим халқимизнинг пухта ҳисоб-китоби, минтақамиз иқлим шароити, об-ҳавосининг майинлиги, тупроғимизнинг хайрбаракаси, қадриятларимиз, урф-одатларимиз йўриғининг илмий асосланган ва асрлар давомида синовдан ўтган мукаммал ўлчовидир.

Ҳўжамберди ТОҒАЕВ,
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳудудий бўлимларида

ХАЛҚНИНГ ДИЛИДАГИНИ ТОПИШ ОСОН ИШ ЭМАС

Рукн меҳмони — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Навоий вилояти бўлими раиси, таниқли журналист Ёркул Умаров

— Ёркул ака, суҳбатимизни журналистнинг жамиятдаги ўрнидан бошласак...

— Бугун юрт ва миллат эркини, унинг келажагини бевосита Мустақиллик билан боғлаймиз. Яна бир эътироф: айнан истиқлол шарофати билан инсон учун энг олий қадрият бўлмиш сўз ва фикр эркинлигига, ахборотни монеликсиз олиш ёки тарқатишни рўёбга чиқарувчи оммавий ахборот воситалари ривожига алоҳида эътибор, ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Буларнинг самараси ўлароқ, унинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва модернизациялаш жараёнидаги иштироки, аҳамияти, таъсири, қолаверса, масъулияти сезиларли даражада ошиб бораяпти. Бугун ахборот ва сўз эркинлиги жамиятимиз тараққиётининг ажралмас, ғоят муҳим қисмларидан бирига айланди. Бунда оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб борувчи фидойи ҳамкасбларимиз саъй-ҳаракатларининг муносиб ўрни бор, албатта.

Журналистларни оддий одамларга яқин қилиб турган бир нарса бор. У ҳам бўлса, юртдошларимизнинг қалбига қулоқ тутиш имконияти. Одамлар бошқа касб эгаларидан яширган гапини журналистга айтади, унга таянади. Журналист томонидан фуқарога кўрсатиладиган ёрдам албатта, амалдаги қонун-қоидалар доирасида ҳақиқат, диёнат, иймон-эътиқод, садоқат, мурувват, муҳаббат каби дунёни тутиб турувчи мезонларга таянган ҳолда амалга оширилади. Эл-юртга ана шу мезонлар асосида хизмат қилиш журналистлар учун шарафдир. Доно халқимизга муносиб суҳбатдош бўлиш ҳар бир ижодкор учун чинакам бахт, деб ўйлайман. Ана шу шарафли ишнинг уддасидан чиқиш, халқнинг дилидагини топиб айтиш, бошқаларни маънавий уйғоқликка чорлаш осон иш эмас. Бунинг учун журналистнинг шуури уйғоқ, кўнгли пок бўлиши лозим.

— Мана, бир неча йиллардан бери навоийлик журналистларга етакчилик қиласиз. Вилоятда бу соҳада амалга оширилаётган янгиланишларга ҳам тўхталсангиз.

— Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам оммавий ахборот воситалари қўллаб-қувватланиб, уларда ишлаётган ходимларнинг баракали ижод қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бундан 10 йиллар илгари вилоятда 20 га яқин газета ва журнал нашр этилган бўлса, бугун уларнинг сони 34 тага етди. Босма нашрларнинг 13 таси нодавлат газета ва журналлардир.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида ҳудудимизда бор-йўғи битта давлат телерадиокомпанияси фаолият кўрсатарди. Энди эса Навоий вилоятида нодавлат телерадиоларини қўшиб ҳисобласак, бешта теле ва 2 та радиостудия фаолият олиб бормоқда. Уларнинг эфир вақти ўн баравар ортди.

Кейинги икки-уч йил ичида оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Вилоят марказида икки қаватли "Матбуот уйи", вилоят босмахонаси ва Алишер Навоий номидаги нашриёт учун алоҳида бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Вилоят ҳокимлиги кўмагида хорижда ишлаб чиқарилган босмахона асбоб-ускуналари лизинг асосида келтириб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда соатига 30 минг нусхадаги газетани босмадан чиқариш имконияти пайдо бўлди. Ҳозир вилоят ҳокимлигининг нашрлари "Дўстлик байроғи", "Знамя дружбы" газеталари ҳамда шаҳар ва туманлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи 25 номдаги газета рангли тасвирда чоп этилмоқда.

Ўтган йили вилоят телерадиокомпанияси ижодкорлари учун яна бир қулайлик яратилди. Шаҳарнинг марказида икки қаватли кўркам бино қурилди ҳамда сўнгги русумдаги жаҳон андозаларига мос техникалар билан жиҳозланди. "Фазо" ёшлар телестудияси учун Навоий шаҳар ҳокимлиги биносидан жой ажратилиб, тўлиқ реконструкция қилинди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган "Қизилтепа тонги", "Хатирчи ҳаёти", "Золотая долина", "Учқудуқ", "Навбаҳор тонги", "Нурнома", "Кармана овози", "Навоий пресс", "Томди шаруагери", "Кенимех танги" сингари шаҳар ва туман босма нашрларининг адади ҳам илгариги йилларга нисбатан 1-1,5 бараварга ортди. "Хатирчи ҳаёти", "Навбаҳор тонги", "Учқудуқ", "Навоий пресс", "Қизилтепа тонги" газеталари таҳририятларининг иқтисодий ўсишлари эвазига жамоа учун "Матиз" хизмат машиналарини сотиб олишга эришилди. Бундай имкониятнинг яратилгани ижодкорлар имкониятининг ошишига кўмак беради.

"Навоийазот" очиқ акциядорлик жамияти нашри — "Навоийский химик" газетаси, вилоят халқ таълими бошқармаси нашри — "Истиқбол ғунчалари", "Зиёкор садоси" газеталари ҳамда "Қалб қуёши" журнали ўз мини босмахоналарига эга.

— Маълум бўляптики, ҳудуддаги оммавий ахборот воситаларининг сон жиҳатдан кўпайиши кадрлар масаласида бош қотиришни талаб қилади. Бундан ташқари, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, журналистларнинг замонавий билим-кўникмаларини кенгайтириш каби долзарб муаммолар ҳам йўқ эмас.

— Тўғри айтасиз. Бу муаммо фақат бизнинг вилоятимизгагина оид муаммо эмас. Мамлакатимизда шу йўналишда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, вилоятнинг асосий даврий нашрлари — "Дўстлик байроғи","Знамя дружбы" газеталари қошида ёш қаламкашларнинг ижодий салоҳиятини ошириш, уларга тавсия ва йўналишлар бериш мақсадида "Ниҳол", "Ёш журналистлар мактаби" тўгараклари ташкил этилган. Уларда тажрибали қалам эгалари устоз-шогирд мақомида ёшларни соҳанинг мураккаб жиҳатлари билан таништириб боради. Яқинда "Дўстлик байроғи" газетаси ҳомийлигида вилоятнинг олис ҳудудларидаги ёш ижодкорларни, адабиётга эндигина кириб келаётган жажжи ниҳолларни қўллаб-қувватлаш учун "Навқирон сўз" тўплами чоп этилди. Китобга 50 нафардан ортиқ ёш қаламкашнинг публицистика, назм ва наср йўналишидаги ижод намуналари киритилди.

Навоий вилоят журналистлар ижодий уюшмаси журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иш тажрибаларини такомилига етказиш, тарғиб қилиш, соҳа ходимларининг малакасини мунтазам ошириб бориш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Масалан, кўп йиллик тажрибага эга фахрий журналистлар билан тез-тез учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турилади. Вилоят матбуоти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган устоз ижодкорлардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамдам Эшонқулов, Бақо Саидов, соҳада 40 йилдан ортиқ меҳнат қилган навбаҳорлик Нарзулла Тиловов, конимехлик Менглибой Муродов, хатирчилик Карим Раҳимов, Жалолиддин Юсуфий, қизилтепалик Раҳим Мақсудов ва бошқа кўплаб таниқли ижодкорлар билан ўтказилган учрашувлар ёш журналистларнинг амалий билим кўникмаларини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Амалиётда ана шу таомилларга суянган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Навоий вилоят бўлими ўз сафига 500 нафардан ортиқ журналист, матбаачи, матбуот тарқатувчи ва жамоатчи мухбирни бирлаштирган. Кейинги йилларда матбуот, телевидение ва радиоэшиттиришларда ишлаётган ёш ходимлар сафи кенгайиб бораётир. Айниқса, "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари ижодкорлари таркиби тобора яшармоқда. Руслан Сабуров, Фаррух Якубов, Зулфия Бобоева, Зебо Қутлиева, Нигора Рўзиева, Александр Акимов, Февзи Истаблаев, Алёна Горбачёва каби маҳоратли журналистлар ҳамкасблари сафига қўшилиб, ранг-баранг мавзуларда ижод қилмоқдалар. Шу билан бирга вилоят телерадиокомпанияси, "Фазо" ёшлар студиясида ишлаётган қаламкашларнинг кўпчилигини ҳам ёшлар ташкил этади.

— Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилган. Бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Бу ҳақда сўзлашдан аввал ҳар йили мустақиллик байрами арафасида ҳамкасбларимизнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавитини юксалтириш ишига қўшган ҳиссаси, ёрқин истеъдоди, ҳалол хизмати учун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланаётганига тўхталиб ўтмоқчи эдим. Мамлакатимиз раҳбари томонидан соҳа ходимлари фаолиятига қаратилган бундай эътибор чинакамига рағбатдир. Ана шу меҳрли эътибордан вилоятимиз ҳудудларида хизмат қилаётган "Дўстлик байроғи" газетаси ходимаси, шоира Салима Умарова "Меҳнат шуҳрати", вилоят телерадиокомпанияси режиссёри Жўрақул Эшов "Дўстлик", "Кармана овози" газетаси масъул котиби Одил Ҳотамов "Меҳнат шуҳрати" орденларига сазовор бўлгани фахрлидир.

Вилоятимизда фидойи ижодкорларни рағбатлантириш, уларни руҳлантиришда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигидаги "Олтин қалам", "Энг улуғ, энг азиз", "Йилнинг энг фаол журналисти" каби кўрик-танловларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Шу кунгача бизнинг вилоятимиздан ана шу танловларда "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газетаси ходимлари Салима Умарова, Георгий Трофимов, Феруза Кубаева, Александр Акимов, "Қизилтепа тонги" газетаси муҳаррири Раҳим Мақсудов, "Кенимех тани" газетаси муҳаррири Абдували Кузембаев, "Соликчи" газетаси муҳаррири Абдумутал Норбоев, вилоят телерадиокомпанияси ходимлари Раҳима Қаймоқова, Сайёра Умарова, Шаҳноза Маҳмудова, Гулнора Ўролова, "Тўмарис" тармоқ газетаси муҳаррири Клара Бозоровалар турли номинациялар бўйича совриндор бўлишди.

Мана уч йилдирки, вилоятимизда "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" бирлашган таҳририяти давлат унитар корхонаси, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда анъанавий "Энг фаол ёш журналист" кўрик танловини ўтказиб келаяпмиз. Кўрик-танлов тадбирлари янги қад ростлаган кўркам "Ёшлар саройи"да бўлиб ўтмоқда. Уюшманинг вилоят бўлимининг бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳам мустаҳкамланиб бораётир. Республика маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда шаҳар, туманларда, қишлоқ-овулларда, корхона-ташкилотларда таниқли олимлар, ёзувчи, шоир ҳамда журналистлар билан учрашувлар ўтказилиши фойдали бўлаяпти.

Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши журналистлар малакасини оширишда, миллий журналистика ютуқларини оммалаштиришда, оммавий ахборот воситаларида қалам тебратаётган ижодкорларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини таъминлашда, уларнинг дунёқараши, замонавий билимларини кенгайтиришда, фаол фуқаролик позициясининг шаклланишида, шунингдек, ёш журналистларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Уюшма вилоят ҳокимлигининг матбуот хизмати билан ҳамкорликда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларига кўмак бериш мақсадида улар билан тез-тез учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб турибмиз. Айни пайтда газеталарнинг мониторинги ўтказилиб, уларга ҳар томонлама ёрдам берилаяпти.

Жорий Мустаҳкам оила йилида амалга ошириладиган ишлар кўлами ҳам журналистларимизга катта масъулият юклайди. Ижодкорларимиз ана шу йилга мўлжаллаб тайёрланган Давлат дастурининг муваффақиятли бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Мавжуда ЙЎЛДОШЕВА
суҳбатлашди.

Суратларда: *"Знамя дружбы" вилоят газетаси мухбири Алёна Горбачёва ана шу танловда босма нашрлар йўналиши бўйича Гран-при соҳибаси бўлди; Уюшманинг вилоят бўлими раиси Ёркул Умаров "Фазо" ёшлар телестудияси муҳаррири Дилдора Каттаевага "Йилнинг энг фаол ёш журналисти-2011" танловида телевидение йўналиши бўйича биринчи ўринни олганлиги муносабати билан диплом ва эсдалик совғани тортиқ этаётир; "Йилнинг энг фаол ёш журналисти-2011" анъанавий кўрик-танлови ғолибларини кўриб турибсиз.*

Суратлар муаллифи —
Жумамурод МИРЗАЕВ.

IT технологиялари — ОАВ учун янги уфқ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда «ОАВ фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишнинг устувор вазифалари» мавзуида семинар ўтказди. Унда депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, экспертлар ҳамда Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар иштирок этди.

Тадбирда маърузачилар томонидан миллий ахборот ресурсларидан унумли фойдаланиш, масс-медиа соҳаси субъектлари фаолиятига коммуникация ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, бу йўналишда интернет глобал тармоғида босма нашрларнинг электрон шаклларини яратиш бўйича илғор хорижий амалиётни қўллаш зарурлигига урғу берилди.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, замонавий ахборот технологияларини барча соҳа ва тармоқларга жорий этиш ҳамда ривожлантириш бўйича салмоқли ташаббуслар амалга оширилди, — деди қўмита раиси Абдурашид Жўрабоев. — Бу ОАВ учун мутлақо янги уфқларни очиб бераётир.

Республикамизда даврий босма нашрларни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, ахборот олиш ва уни тарқатиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, интернет-журналистикани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида миллий сегментимиз 80 дан зиёд босма нашрларнинг электрон шакллари билан тўлдирилгани фикримиз далилидир. Бугунги кунда кўплаб газета ва журналлар ўз веб-сайтларини ташкил этгани, интернетда ОАВнинг анъанавий сайтлари пайдо бўлгани, шунингдек, махсус интернет-нашрлар яратилгани ҳамда ушбу ресурслар ҳар куни долзарб, тезкор, айни пайтда ҳаққоний ахборотлар билан тўлдирилаётгани соҳанинг тараққий этиб бораётганининг исботидир.

Семинарда сўзга чиққан қўмита аъзоси Шуҳрат Деҳқонов иштирокчиларга ўтган йил охирида қўмита ишчи гуруҳи томонидан "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунлари ҳақида маълумот берди. Таъкидландики, мазкур ҳудудлардаги айрим таҳририятлар замонавий ахборот коммуникация технологиялари, интернет имкониятларидан етарли даражада фойдаланишмаяпти, ўз веб-сайтларини ташкил этишга эътиборсиз қарашмоқда, оммавий ахборот воситалари ходимларининг бу борадаги билим ва кўникмаларини бугунги кун талаблари даражасида, деб бўлмайди.

Семинарда сўзга чиққан мутахассис ҳамда экспертлар босма ва электрон ОАВ фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация, рақамли технологияларни жорий этишнинг амалий жиҳатларини ривожлантириш, ижодий ва техник кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, аниқ тавсияларини билдирдилар.

Ўз мухбиримиз

Сарлавҳа воқеалар кўламини икки маротаба оширади.
Джон Голсуорси

Дараклар

ОКЕАНДА СУЗУВЧИ РОБОТЛАР

«Wave Gliders роботлари тўрт ой тинимсиз сузиб, олти минг километр масофани мустақил босиб ўтди. Бу шу туркумга кирувчи аппаратлар ўртасидаги жаҳон рекорди янгиланди, деганидир». Мазкур роботларни ишлаб чиқарувчи «Liguid Robotics» компанияси ана шундай хабар тарқатди.



Роботлардан тўрттаси 2011 йилнинг 17 ноябрида Сан-Франциско шаҳридан старт олиб, Тинч океани бўйлаб сузишни бошлаганди. Ҳозир улар Гавайа оролларига етиб келишди. Ана шу ерда роботлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи жуфтлик Японияга, иккинчи жуфтлик эса Австралия қитъаси томон йўл олади.

Роботлар Гавайа оролларига етиб келгунларига қадар уммоннинг саккиз метрлик тўлқинларидан иборат пўртаналарига, кучли оқимларига дуч келишди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир робот икки элементдан таркиб топган. Уларнинг бири сувга чўкмай суза оладиган тахтача бўлса, иккинчиси сув остида ҳаракатланувчи пластинали руллардан иборат. Бу элементлар бир-бирига махсус кабеллар ёрдамида бириктирилган. Ҳар тўрттала робот-сузувчи GPS модул ва датчиклар билан жиҳозланган. Улар уммон сувининг таркиби, ҳарорати, атмосфера босими, тўлқинларнинг баландлиги, шамолнинг йўналиши ва шу каби маълумотларни тўплаш, тадқиқотчиларга жўнатишга ихтисослашган. Роботлар қуёш энергиясидан қувват олиб ишлайди.

БАҚАЛОҚ ПОЛИЦИЯЧИЛАРНИНГ МАОШИ КАМАЙТИРИЛАДИ

Уч марта жисмоний синовлардан ўта олмаган полициячилар интизомий жазога тортилади. Бунинг устига уларнинг маошлари ҳам камайтирилади. Бу ҳақда Англия ҳукумати буюртмасига асосан тайёрланган докладда таъкидланди, дея хабар тарқатди «Reuters» агентлиги.



Агентликнинг хабар беришича, энди бақалоқ полициячилар маошининг 8 фоизидан маҳрум бўладилар. Бу айрим осойишталик посбонларининг иш ҳақидан 3 минг фунт стерлинггача камаяди, деганидир. Бу бежиз эмас, шекилли. Чунки юқорида зикр этилган докладда полицияга ажратиладиган маблағни 20 фоизга қисқартириш, шу мақсадда семиз полициячиларни кўпроқ ишдан бўшатиш, синов муддати билан ишга қабул қилинган ходимларнинг маошларини камайтириш, шунингдек, пенсия ёшини узайтириш, пенсия бадал (взнос)ларини кўпайтириш ҳамда бу соҳада ишловчиларнинг касбий тайёргарлигига талабни кучайтириш ҳукуматнинг асосий мақсади қилиб белгиланган.

«Бу янгилик полиция бошқармалари раҳбарларига маъқул тушар, аммо оддий полициячиларни жунбушга келтирмасайди, — таъкидлайди «Reuters». — Полиция касаба уюшмаси раҳбарларидан бири ҳукуматнинг бу тизимга кўрсатаётган тазйиқи, полиция ишининг оғирлигини англаб етмаётгани жонга тегди, дея баёнот берди».

Тадқиқотларга кўра, ҳозирда Лондон полициячиларининг 64 фоизи ортиқча вазн, танада ёғ тўпланиши каби нохуш ҳолатларни бошдан кечирмоқда.

ЭНДИ ИТЛАР ҲАМ НЕФТЬ ҚИДИРАДИ



Бир неча нефть компаниялари, қолаверса, ҳукумат ташкилотлари қаторида «Royal Dutch Shell» ҳам қорли, музли жойларда нефть изловчи итларни тайёрлайдиган муассасага маблағ ажратди, деб хабар беради «The Guardian» газетаси.

Дарвоқе, 2009 йилдан бошлаб Норвегиянинг «Sintef» тадқиқот муассасаси ходимлари оёқлари калта, узун гавдали (такса) итларни бу ишга тайёрлашга киришгандилар. Муассаса ит ўргатувчилари такса итларининг шамол йўналиши бўйича 5 километр масофадан нефть ҳидини сезиш қобилиятига эгалигини, бундан ташқари, паст ҳароратли шароитга чидамли эканини таъкидлашмоқда.

Экспертлар итлар ёрдамида нефть излаш ғоясига шубҳа билан қарамоқдалар. Уларнинг фикрича, музлар остидаги хомашёни ҳидлаб эмас, технологияларни ривожлантириш эвазига қидириш мақсадга мувофиқ.

ТЕЗ ИШЛАЙДИГАН НАНОПРИНТЕР ЯРАТИЛДИ

Вена Техника университети олимлари энг тез ва нанометр аниқлигида ишлайдиган 3Д принтерини яратдилар.



— Илгари принтерларнинг чоп этиш тезлиги секундига бир миллиметрни ташкил қилган бўлса, янги 3Д принтери ҳар секундда беш метргача чоп этиш тезлигига эришди, — дейди ихтирочилардан бири Юрген Стампфи. — Энди олимлар шу усул орқали анчагина катта ҳажмли ишларни бажара оладиган принтерларни яратишлари мумкин.

Тадқиқотчиларнинг айтишларича, бу ютуқ ойналарни бошқаришни такомиллаштириш, энг қулай шароитларда тизимли ишлаш ҳисобига қўлга киритилди. Аммо гап айнан қандай такомиллаштириш хусусида бораётгани баён қилинмаяпти.

Интернет материаллари асосида Матёқуб НАРЗИЕВ тайёрлади.

Хориж матбуоти саҳифаларида

(«El Pais», Испания)

ВАЗИЯТ ҚАЙ ТОМОНГА ЎЗГАРАДИ?

«Бугун қитъада демократик анъаналарни қайта қарор топтириш, давлатлар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш, гиёҳванд моддалар савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш энг долзарб вазифадир. Аммо бунга Жанубий Америка мамлакатларининг салоҳияти етармикан?» деб бошланади Испаниянинг «El Pais» газетаси эълон қилган мақола.

EL PAÍS

El Gobierno reprocha a Marruecos la violencia ejercida en el Sáhara

La UE baja la tensión en los mercados al asegurar el rescate de Irlanda

Мақола муаллифининг таъкидлашича, ҳозир «Яқин келажакда Лотин Америкасида вазият қандай кўриниш олади?» деган саволга жавоб изланмоқда. Мазкур саволнинг туғилишига эса иккита асосий сабабни келтириб ўтиш мумкин. Биринчиси, халқнинг ҳарбийларга ва давлатлардаги ўзгаришларга ишончининг камлиги бўлса, иккинчиси ҳудудда наркомафия ва уюшган жиноятчиликнинг кенг илдиз отганидир. Тўғри, айни пайтда Мексика, Гондурас ва Гватемала сингари давлатларда бу борада муайян ҳаракатлар бошлаб юборилган. Бу хилдаги амалиётлар Колумбия ва Перуда ҳам бир неча йиллардан бери мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, Аргентинада ҳарбийлар маҳаллий полиция билан ҳамкорликда Буэнос-Айрес провинциясининг хавфсизлигини таъминлашни кафолатламоқда. Аммо шунга қарамасдан, қитъа мамлакатларида уюшган жиноятчилик, коррупция ва гиёҳвандликка қарши курашиш долзарблигича қолмоқда.

Мақолада ёзилишича, мазкур муаммоларни ҳал этиш учун мамлакатларнинг полиция ва Қуролли кучлари салоҳиятини ошириш зарур. Шу маънода, мақола муаллифи Лотин Америкасида ҳарбийларнинг нуфузини ошириш борасидаги турли қарашлар ва мулоҳазаларни ўртага ташлаган, қитъадаги вазиятни турли мисоллар билан таҳлил қилган.

(«Bloomberg», АҚШ)

БИР МАҚОЛА САБАБ

«Bloomberg» нашрининг ёзишича, АҚШнинг «Goldman Sachs Group Inc» банки ходимларидан бири матбуотда ушбу молия муассасасининг раҳбари Ллойд Бланкфейннинг бошқарув услуби ҳамда банкнинг мижозлар билан муносабатлари ҳақида танқидий чиқиш қилганидан сўнг унинг бозордаги нархи 2,15 миллиардга арзонлашган. Аниқроғи, ўтган ҳафтада банк акцияларининг нархи Нью-Йорк қимматли қоғозлар бозорида 3,4 фоизга камайди. Натижада кун сайин таназзулга учраётган дунёдаги 81 та компания орасида «Goldman Sachs Group Inc» учинчи ўринга чиқиб олди.

Танқидий мақолага жавобан матбуотдаги чиқишда молия муассасаси раҳбарлари мазкур ҳолат банкнинг мавқеига путур етказа олмайди. Аммо муаллиф Кристин Харпернинг ёзишича, бу фикрларга зид равишда «Goldman Sachs Group Inc» акцияларининг нархи кундан-кунга тушиб кетмоқда. Мутахассислар эса банкнинг олдинги обрўсини тиклаш энди ниҳоятда оғир кечишини таъкидлашмоқда.

(«Le Parisien», Франция)

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Газетанинг ёзишича, Тулуза шаҳридаги яҳудийлар мактаби ҳовлисида ўқувчилар номаълум кишилар томонидан ўққа тутилган.

Нашрдаги маълумотларда қайд этилишича, ушбу вазиятда икки ўқувчи ва бир ўқитувчи ҳалок бўлган. Шу билан бирга, бир неча киши оғир тан жароҳати олган. Гувоҳлар дарслардан сўнг фарзандларини олиб кетгани келган ота-оналарга қарата номаълум шахслар ўқотар қуроллардан ўқ отишгани тўғрисида кўрсатма беришган. Бу хунрезликни содир этган кимсаларнинг кимлиги ҳозирча аниқлани йўқ.

ANALYSE COMPLÈTE Les derniers chiffres du chômage

le Parisien

Irak : disparition de deux journalistes

La presse sans cesse menacée

Сўнгги маълумотларга қараганда, жиноятчиларда икки дона ўқотар қурол бўлган.

("China times", Хитой)

ТЎРГА РАКЕТА ИЛИНДИ

Хитойнинг Шаньдун провинциясида яшовчи балиқчи ўзи билмаган ҳолда баллистик ракетани тўрга туширди. Узунлиги тўрт, диаметри икки метр бўлган мазкур "ўлжа"нинг бош қисмида ток ўтказгич симлар бор, ён томонига эса "Ёрдамчи қисм — 2" деган ёзув битилган.

TAIWAN TATLER陳香吟行頭466萬元 貴氣奪冠

Бахтга қарши бу ажабтовур янгиликдан хабар топиб, ракетани ўз кўзи билан кўриш учун ёпирилиб келган одамлардан бирининг эҳтиётсизлиги туфайли у яна сув тубига ғарқ бўлган. Ракетанинг кутилмаганда ҳаракатга келиш эҳтимоли юқори бўлгани туфайли полиция ололмонни шу заҳоти тарқатиб юборган. "Ўлжа"дан олинган кичкина бўлакча эса ўрганиш учун шу яқин атрофдаги ҳарбий қисмга жўнатилган. Қисқа вақт ичида мутахассислар балиқчининг тўрига сувости кемасида ишлатиб бўлинган, мутлақо хавфсиз ракета илинганини аниқлашди.

("The Guardian", Буюк Британия)

МУАМБОНИНГ МУАММОСИ ЖИДДИЙ

«Болтон» футбол клуби раҳбарлари яқин 48 соат давомида жамоанинг Англия футбол ассоциацияси кубогининг чорак финал учрашувида «Тоттенхэм»га қарши майдонга тушиш-тушмаслиги борасида бир қарорга келиши керак. Аммо ҳозирча жамоа раҳбарлари футболчиларни яна майдонга туширишга тайёр эмас. Чунки футболчилар ва мураббийлар ўзларини тўлақонли яхши ҳис этишаётгани йўқ.

The Guardian

The greatest catastrophe

Police stopped Madrid -style attack

Гап шундаки, аслида мазкур ўйин бундан бир неча кун олдин ўтказилаётган эди. Бироқ «Болтон» футболчиси Фабрис Муамбонинг учрашув пайтида саломатлиги ёмонлашиб, ҳушини йўқотгани сабабли беллашув тўхтатилганди. Ўшанда шифокорлар футболчига инфаркт ташҳисини қўйишганди. Шундан сўнг, Оуэн Койл шогирдлари Англия футбол ассоциацияси кубоги мусобақасида иштирок этмаслигини маълум қилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Фабрис Муамбо фожиаси футбол ишқибозлари ва дунё аҳлининг эътиборини тортди. Ҳатто «Манчестер Юнайтед» жамоасининг «Вулверхэмптон» дарвозасига йўллаган жавобсиз бешта тўпи, Фернандо Торреснинг «Лестер» дарвозасига киритган иккита голи ҳам кўпчиликнинг назаридан четда қолди.

Фабрис Муамбога мадад бериш мақсадида Англиянинг барча спорт иншоотларида ўзгача вазият ҳукм сурмоқда. «Болтон» стадиони гуллар, ҳар хил откриткалар ва Фабрис Муамбонинг рақами туширилган футболкалар билан тўлиб-тошган. Футболчилар, мураббийлар ва ишқибозлар футболчига шу тарзда ёрдам қўлини чўзмоқчи.

Эслатиб ўтамиз, айни пайтда футболчига London Chest Hospital шифохонасида тиббий муолажа кўрсатилаяпти.

Интернет хабарлари асосида Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

23 март — Жаҳон метеорологлари куни

«Ўзгидромет хабар қилади»

XX аср табиий фанлар тараққиётида кескин бурилиш ясади. Бу жараёнда бионика сингари янги фанлар вужудга келди.

Бионика қадимги грекча "бион" сўзидан олинган бўлиб, "ҳаёт элементи", "ҳаёт белгиси" маъноларини англатади. Ушбу фаннинг "туғилган" куни сифатида 1960 йилнинг 13 сентябри — "Сунъий системаларнинг жонли прототиплари — янги техниканинг калитидир" мавзусида ўтказилган биринчи Америка миллий симпозиумининг очилиш куни қабул қилинган.

Бу йил шамсий тақвим бўйича балиқ мучали бошланаётгани кўпчиликка аён. Қадимдан ота-боболаримиз балиқ йилида мўл-кўл ёғингарчиликка гувоҳ бўлишган. Чиндан-да, кейинги кунларда ҳавонинг бироз совиши, қор ёғиши ҳаммани ҳайратда қолдирди. Бу ҳодисаларни шарҳлаб беришни сўраш мақсадида республика Гидрометеорология хизмати марказига йўл олдик.

— Чиндан ҳам, ўтган кунлар мобайнида республикамиз бўйлаб кузатилган об-ҳаво, хусусан, қор ёғиши ва ҳароратнинг пасайиши юртдошларимизни анча хавотирга солиб қўйгани рост, — дейди марказ мутахассиси Гавҳар Мамажонова. — Бунга мамлакатимизга Эрон ҳудудидан Туркманистон орқали ва айни пайтда Россиянинг Поволжье ҳудудидан нисбатан совуқ ва нам ҳаво массаларининг кириб келиши сабаб бўлди. Қайд этиш жоизки, юртимиз табиатига оид ўзгаришлар ҳақидаги кўп йиллик кузатув натижаларига кўра, март ойида об-ҳавонинг кескин ўзгариб туриши мамлакатимиз учун табиий ҳол ҳисобланади.

Байрам кунлари мамлакатимизда қандай об-ҳаво кутилаётгани барчани қизиқтириши табиий. Бу кунларда юртимизда ҳаво ўзгариб туради. Чунончи, 21-23 март кунлари ёғингарчилик кутилмайди, 24 март куни баъзи жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Ҳаво ҳарорати эса астасекин кўтарила боради, яъни кечаси -3°, -2°дан +2°,+7°гача, кундузи +7°, +12°дан +13°, +18°С гача исийди. Таъкидлаш лозимки, бу йилги қуёшли кунлар энди бошланмоқда.

Бугунги кунда марказимиз томонидан тарқатиладиган об-ҳаво маълумотлари синоптик ва гидродинамик усуллар ёрдамида тузилади. Унинг асосий моҳияти ер куррасининг турли ҳудудларида қандай об-ҳаво кузатилаётганини ўрганиш, атмосферанинг маълум баландликларидаги ҳаво оқимларини таҳлил қилиш, прогнозлар тузишдан иборат. Бунинг учун катта миқдордаги ахборотлар керак бўлади. Ўзгидрометнинг махсус бўлимларида ҳудудимизда жойлашган метеостанциялардан келишилган вақт бўйича ҳар 3 соатда (суткасига 8 марта) метеорологик маълумотлар махсус алоқа воситалари орқали қабул қилинади. Яширмайман, прогнозлар тузиш учун фақатгина бизнинг ҳудудимизга таалуқли об-ҳаво маълумотлари етарли ҳисобланмайди. Шу боис, махсус воситалар ёрдамида шимолий яримшарда жойлашган мамлакатлардан жорий вақтдаги об-ҳаво маълумотлари олингач, синоптик карталар тузилади ва халқаро келишувларга асосан дунёнинг бошқа ривожланган об-ҳаво хизмати марказларида тузилган прогноз хариталаридан қиёслаш мақсадида фойдаланилади.

Марказ ходимларининг таъкидлашича, ҳозир бу муассаса томонидан тайёрланаётган қисқа муддатли (бугунги ва кейинги кун) ва ўрта муддатли (2-5 кун) об-ҳаво прогнозларининг тўғри чиқиши қиш-баҳор мавсуми учун 90-92 фоиз, ёз-куз даврида эса 94-96 фоизга тенг. Турли тошқинларга оид огоҳлантиришларнинг самарадорлиги 96 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда гидрометеорологлар ахборотидан Ўзбекистоннинг 2000 дан ортиқ қишлоқ хўжалик ва саноат ташкилотлари фойдаланмоқда.

Дарвоқе, республика Гидрометеорология хизмати марказида ахборот сифатини янада ошириш мақсадида замонавий технология воситаларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Юқори тезликда ишловчи компьютерлар махсус дастурий таъминот асосида гидрометеорологик ҳамда сунъий йўлдошлардан олинадиган маълумотларни қайта ишлайди. Марказда бир сутка мобайнида АҚШнинг NOAA типидаги поляр-орбитал, шунингдек, Европа Космик агентлигининг Метеосат типидаги геостационар ва Хитой Космик агентлигининг Feng-Yun типидаги сунъий йўлдошларидан маълумотлар олинади ҳамда қайта ишланади.

Сўнгги йилларда соҳага бўлган эътиборнинг кучайиши натижасида марказ замонавий радиолокаторлар билан таъминланди. Бу жиҳозлар атмосферада радиуси 300 километр масофадаги об-ҳаво билан боғлиқ параметрлар, хусусан, булутли зоналар, уларнинг юқори ва пастки чегараларининг баландлиги, микроструктурасини, булутларнинг энг муҳим физик хусусиятларини, бошқа метеорологик ҳодисаларни аниқлаш имкониятига эга. Бу эса қисқа муддатли прогнозлар аниқлигини янада оширишда жуда аҳамиятлидир.

Шу ўринда юртимизда прогноз кузатувлари қачон бошланган, деган савол туғилади. Табиийки, Ўзгидромет тарихи ҳамюртларимизни бефарқ қолдирмайди. Маълумот ўрнида таъкидласак, марказ 1867 йилнинг декабрида ўз фаолиятини бошлаган. Илк марта 1870 йилнинг мартида «Туркестанские ведомости» газетасида об-ҳаво, метеокузатув маълумотлари нашр қилинган. 1876 йилнинг сентябридан пойтахтда обсерватория метеостанцияси очилди ва ҳозирги кунгача ишлаб келаяпти.

1992 йилга келиб Гидрометхизмат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармаси (бошгидромет) ҳуқуқий мақомини олди. 2004 йилнинг апрель ойида эса Бошгидромет Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометрология хизмати маркази (Ўзгидромет) сифатида қайта ташкил этилди.

Ўзгидромет 1993 йилнинг 22 январида Жаҳон метеорология ташкилотига (ЖМТ) аъзо бўлди. Шундан бери ЖМТнинг барча дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 20 апрелда 3-сон билан реестрга киритилиб, республика Инкассация бирлашмасига берилган Ўзбекистон Республикасида хўжалик бирлашмалари давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақидаги ГУВОҲНОМАнинг асл нусхаси йўқолганлиги муносабати билан ушбу гувоҳнома ҲАҚИҚИЙ ЭМАС деб ҳисобланасин.

Мозий саҳифаларидан

Самарқандда Улуғбекнинг мадрасаси нечта?

Бу йил мамлакатимизда буюк математик, астроном, шунингдек, тарих, шеърият, мусиқа бобида ҳам баракали ижод қилган Мирзо Улуғбек таваллуд топганининг 618 йиллиги нишонланмоқда. Ўтган йиллар мобайнида улуғ алломанинг бизга қолдирган бой маънавий, маданий мероси ўрганилиб, республикамизнинг барча ҳудудларида анжуманлар, давра суҳбатлари, кўргазмалар ташкил этиб келинмоқда.



Амир Темурнинг кенжа фарзанди Шоҳруҳнинг биринчи хотини Гавҳаршодбегим 1394 йил 22 март куни ўғил кўради. Унга Муҳаммад Тарағай деб исм қўйишади. Соҳибқирон унинг тарбиясига алоҳида эътибор беради ва энг зийрак набираси сифатида танилгани учун уни "Улуғ бек" деб эъзозлайди. Араб ва форс тилларини пухта ўзлаштирган Улуғбек диний ва дунёвий илмларнинг асоси билан танишади. Бобосининг кенгашлари ва қабул маросимларида қатнашади. Аммо урушнинг даҳшатли оқибатларини кўриб нафратланади. Шунинг учун ҳам у ўзининг қирқ йиллик ҳукмронлик даврида мажбур бўлгандагина жанг майдонларига от сурган, холос.

Замондош тарихчиларнинг қайд этишича, бобоси Амир Темур каби Мирзо Улуғбек тарих, тиббиёт, фалакиёт каби соҳалар ривожига эътибор қаратган. Ҳақиқатдан ҳам X-XI асрлардан шиор тусига кирган "Илм олишнинг аввали аччиқ, келажаги асалдир" деб айтилган ҳикматли ўгитга амал қилган Улуғбек ўз фаолиятида амалий ишларга кўп вақтини сарфлади: атрофига турли соҳа билимдонларини тўплаб улардан сабоқ олди, аждодлардан қолган илмий мерос билан яхши танишди. Ўзи ҳам "Тўрт улус тарихи", "Зижи Кўрагоний" каби кўплаб илмий асарлар яратди, илмий академияга асос солди. Улуғбек даврида савдо-сотиқ ривожланди, кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилди, жамоат иншоотлари қурилди. Айниқса, ёшларнинг илм олишларини ривожлантириш мақсадида Мовароуннаҳрнинг бир неча марказий шаҳарларида турли фанлардан илм олишга мўлжалланган илмий муассасалар қурдирди.

Ҳозирги кунда Улуғбек замонидан бизгача етиб келган бири биридан гўзал мадрасалар барча санъат ихлосмандларини лол қолдирмоқда. Масалан, 1417-1419 йиллар оралиғида Бухорода қад кўтарган мадраса. У икки қаватли, тўғри тўртбурчак (53х41,5 метр) кўринишида бўлган. Самарқандда 1417-1422 йиллари қад кўтарган икки қаватли мадраса ҳам ҳажм жиҳатдан бироз каттароқ. Бу мадрасалар деворларининг сатҳи ўз даврида жуда нафис рангли парчин ва кошинлар, эпиграфик ёзувлар билан безатилган бўлиб, уларда талабалар учун дарсхоналар, кутубхоналар, дам олиш хоналари бор эди. Тарихий манбаларга кўра, Улуғбек даврида юқорида саналган учтагина мадраса мавжуд бўлган.

Кейинги вақтларда газета саҳифаларида ва илмий адабиётларда чоп этилган мақолаларга кўз ташланса, гўёки Улуғбекнинг Самарқандда иккита, Регистон ва Гўри Амир ансамбли таркибида мадрасалари бўлган эмиш. Улуғбек замондошларининг қўл ёзмаларида Гўри Амир ансамблидаги мадраса Улуғбекка эмас, балки Амир Темурнинг катта ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг катта ўғли Муҳаммад Султон Мирзога тегишлидир. 1404 йилнинг июль ойида Амир Темур фармони билан мадраса ёнида сардоба ва боғ барпо қилингани ҳақида тарихчи Шарафиддин Али Яздий ва Самарқандга сафар қилган испаниялик Клавихо ёзиб қолдирган.

Ҳозирги илмий тадқиқотларга назар ташласак, Гўри Амир ансамбли таркибида ҳақиқатда ҳам Муҳаммад Султон Мирзо қурдирган иншоотлар мавжуд. Бу ерда чорси шаклида ҳовли бўлиб, унга шимол томондан кирилган. Унинг чап томонида эса мадраса қад кўтарган. У ўрта ҳажмли, атрофи бир қаватли ҳужралар, иккита айвон ва иккита қуббали залдан иборат эди. Ҳовлининг ўнг томонида эса мадраса билан бир вақтда қурилган хонақоҳ бўлиб, кейинчалик ҳовлининг тўрида мақбара қад кўтарган. Унда олдинма-кейин Амир Темурнинг пири Саййид Барака, Амир Темур, унинг ўғиллари, набиралари дафн этилган.

Самарқанддаги иккинчи мадраса ҳозирги Регистон ансамблидаги Улуғбек мадрасасидир. Мирзо Бобур Улуғбекнинг Самарқандда қурдирган иморатлари ҳақида "Бобурнома"да берган маълумотида қалъа ичидаги мадраса ва унинг қаршисидаги хонақоҳ, атрофларида масжид, ҳаммом бўлганини ёзиб қолдирган. Шунингдек, XV асрнинг машҳур тарихчиси Абдураззоқ Самарқандийнинг форс тилида ёзган "Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи") номли асарида Самарқандда турган вақтларида ўз кўзи билан кўрганлари ҳақида "Самарқанд шаҳрининг ичида, шаҳарнинг ўртаси ва майдоннинг марказида Арки олийга яқин жойлашган Сардуатиқ (сардуаник) деб аталадиган мавзеда Улуғбек бир-бирига рўбарў мадраса ва хонақоҳ бино қилиб, бу икки мақомни қуриб тамомлаш борасида бир неча йил давомида саъй-ҳаракатлар кўрсатди.., у икки иморатнинг латофатини ёзув қалами ва баён рақами билан тасвирлаш мумкин эмас.., кўп даромадли ерларни, экинзорлар ва ариқларни у жойга вақф қилиб ажратти, уломаларнинг энг билимдонлари ва фозил кишиларнинг тажрибакорларини мадрасада дарс бериш ва тушунтириш учун тайинлади..." деб ёзган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, Улуғбекнинг Самарқандда фақат битта мадрасаси бўлган. Лекин "Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги иккинчи мадрасаси" номли мақоладаги маълумотларда 1558-1559 йилларда Бухорода таваллуд топиб кейинчалик беихтиёр Ҳиндистонга кўчган тарихчи Мутрибий ал-Асамнинг "Тарихи Жаҳонгирий" асаридан олинган сатрлар келтирилган. Унда Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси таркибида Улуғбек томонидан қурилган мадраса бўлиб, 1625 йил атрофида ҳам талабалар ўқишгани айтилган. Мақолада мазкур асар ёзила бошлаганида муаллиф 68-69 ёшларда экани, ўз китобида яна бир қатор қайдларни, яъни Гўри Амир ансамблига бораверишдаги ҳовлининг чап тарафидаги мадраса, ўнг тарафидаги иморат, ҳовли пешгоҳида жойлашган даҳма ва у билан боғлиқ бошқа қимматли манбалар ҳақида ёзган.

Биз учун Мутрибий ал-Асам маълумотлари жуда қизиқарлидир. Лекин муаллифнинг мадрасани Улуғбек бунёд қилган деган изоҳи чалкашлик оқибатидир. Сабаби ансамблдан ўрин олган мадраса, хонақоҳ, улардаги миноралар меъморий ечими ва қурилиш услубига кўра Улуғбек замонига мансуб эмас. Фақат ҳовли пешгоҳига тақаб қад ростлаган Гўри Амир мақбараси (XV аср)нинг битмай қолган қисмлари Улуғбек даврида бунёд этилган.

Ёзма манбалардаги бундай чалкашликлар биздан ёшларни чалғитмаслик учун қадимий ёзма манбалардан келажакда эҳтиёткорлик билан фойдаланишни тақозо этади.

Ўткир АЛИМОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейининг етакчи илмий ходими

Билмаганни билган яхши

Истеъмолчи қандай ҳуқуқларга эга?

– Деярли ҳар куни савдо дўконларидан маҳсулот харид қиламиз. Ёки турли хизматлардан фойдаланмиз. Айтинг-чи, истеъмолчи сифатида биз қандай ҳуқуқларга эгамиз?

Н.Тошев
Тошкент шаҳри

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Унга кўра, истеъмолчи сотиб олаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат турларидан кўнгли тўлмаса ёки уларни эркин танлашда ҳуқуқлари поймол этилса, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи, сотувчи, хизмат кўрсатувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олишга ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган ўз манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, судга ва бошқа ваколатли давлат идораларига мурожаат этишга ҳақли.

Шунингдек, истеъмолчиларнинг "ижтимоий ҳимояга муҳтож" деб топилган гуруҳларига савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ҳамда афзалликлар берилган.

Саволга Сергели тумани ДНИ нотариуслари Зулфия ОРИФЖОНОВА, Холида САИДОВА жавоб берди.

Ота-она ўз мажбуриятини бажармаса...

– Болаларга таълим-тарбия бериш мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланадими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

М.Ҳасанова
Тошкент шаҳри

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан амалга оширилади.

Бу мажбуриятни бажармаслик (шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши) энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солинишга сабаб бўлади.

Саволга Чилонзор туманидаги 10-сонли ДНИ нотариуси Нодира САГАТОВА жавоб берди.

Судга мурожаат қилинг

– Дугонамга қарз бергандим. Аммо у айтилган вақтда қарзини қайтаролмади. Ҳозир ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб, ўзини мендан олиб қочиб юрибди. Нима қилсам бўлади?

Г.Алимова
Тошкент шаҳри

Кузатган бўлсангиз, худди шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли кишилар ўртасидаги дўстона муносабатлар бузилади, ҳатто қариндошлик ришталарига путур етади. Шунинг учун қарз бериш ёки олиш тартиблари ҳам қонунчилигимизда белгилаб қўйилган. Жумладан, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида қарз шартномасининг тузилиши нохуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу сабабли Сиз ҳам қарз беришдан аввал қарз шартномасини тузганингизда мақсадга мувофиқ бўларди.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади. Буниг учун фақат қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ортиқ бўлиши лозим. Шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, суммасидан қатъи назар, шартнома ёзма шаклда тузилади.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки миқдордаги ашёлар топширилганини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатда Сиз қарзингизни қайтариб олиш учун тегишли давлат органлари ёки судга мурожаат қилишингиз керак бўлади.

Саволга Учтепа тумани ДНИ нотариуслари Наргиза МИРСОАТОВА, Шаҳноза ХЎЖАЕВА жавоб берди.

Ишдан бўшатиш нафақаси 3 ойгача берилиши мумкин

– Корхонамизда ишлаб чиқариладиган товарларнинг сони кўпайди. Шу муносабат билан менга бошқа вазифани таклиф этишди. Лекин мен бу таклифни рад этдим. Шу каби ҳолларда иш берувчи томонидан ишдан бўшатиш нафақаси қанча муддатга берилади?

М.Азизхонов
Қарши тумани

Агар ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни рад этса, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Шунингдек, ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинса, меҳнат органи берган маълумотнома асосида учинчи ой ҳам олдинги иш жойидан ўртача иш ҳақи миқдорида нафақа пулини олиш ҳуқуқига эга.

Саволга Қарши шаҳридаги 1-сонли ДНИ нотаруси Раъно ЎНГБОЕВА жавоб берди.

22 март – Бутунжаҳон сув ресурслари куни

Томчиси тиллога тенг

Бугун сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш халқаро миқёсда долзарб масалага айланди. Қолаверса, вақт ўтган сари ичимлик суви захираларининг камайиб бориши глобал муаммо тусини олмоқда. Башарият тараққиёти, унинг эртанги куни, келажаги чучук сув захираларининг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда дунёда чучук сувни ишлатиш ҳажми йилдан-йилга ортиб боряпти. Айни пайтда кўплаб мамлакатларда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва экотизимлар барқарорлигини сақлаш учун зарур даражадаги сув таъминотида катта қийинчиликлар сезилмоқда. Мутахассисларнинг тахмин қилишларича, 2025 йилга бориб 3,5 миллиард киши, яъни дунё аҳолисининг ярми ичимлик суви танқислиги шароитида яшаши эҳтимоли бор.

Ушбу мулоҳазалар Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ЭКОСАН халқаро жамоат фонди томонидан 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари кунига бағишлаб Тошкент давлат юридик институтида ташкил этилган анжуманда билдирилди.

Республикамиз аҳолисига етказиб берилаётган ичимлик сувининг 80 фоизи ер ости чучук сув манбалари ҳисобига тўғри келади. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан вилоятлар миқёсидаги 9 та, республика аҳамиятига молик 11 та ер ости чучук суви ҳосил бўладиган ҳудудларга «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд» мақомини бериш ишлари ниҳоясига етказилди. Эндиликда бу майдон 407356 гектарни ташкил этади.

— Сув тўғрисида гап кетганда, Орол муаммосини эсламасдан ўта олмаймиз, — дейди ЭКОСАН халқаро жамоат фондининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Миркарим Мирсовуров. — Оролнинг қуриши мўътадил иқлимни ўзгартириб, қурғоқчиликни кучайтирди, ёз иссиқ ва қуруқ, қиш эса янада совуқ бўлишига олиб келди. Оролбўйи ҳудудларида ҳарорати 40°С даражага тенг бўлган кунлар сони 2 баробар ошди. Бу эса, ҳудуднинг жазирама кунлари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан 2 баробарга кўпайганини англатади. Мутахассислар фикрича, иқлимнинг кескин ўзгариши денгиз сатҳининг 10-15 фоиз суви буғланишига сабаб бўлмоқда. 2035-2050 йилларга бориб минтақада иқлим ўзгариши туфайли ҳаво ҳарорати яна 1,5-3°С даражага кўтарилади.

Экологик мувозанатнинг бу қадар бузилиши ўсимлик, ҳайвонот дунёси билан бирга инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам атроф-муҳитни соғломлаштириш, унинг мусаффолигини асраш борасида сўз борар экан, аввало, имкон қадар бизни ўраб турган табиатни авайлаб-асраш лозим бўлади.

Шунингдек, мазкур тадбирда аҳолининг экологик онги ва маданиятини юксалтириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини ҳамда савиясини ошириш мутасадди ташкилотлар вакилларининг, маҳаллалар фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, қолаверса, маҳаллий ҳокимликларнинг кундалик вазифаларидан бири эканлигига эътибор қаратилди. Тадбирда кун тартибидаги масалалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, сув ҳавзалари соҳаси назорат органлари ва илмий-текшириш институтлари мутахассислари, олий ўқув юртлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг мулоҳазалари тингланди.

Бобур ЙЎЛЧИ
ўғли

Эркин фикр

ТАЛАБАЛИКНИНГ ШИРИН МАШАҚҚАТЛАРИ

Талаба бўлишни ким орзу қилмайди дейсиз? Аммо «олтин давр»нинг бахтию ташвишлари ҳаммагаям насиб этавермайди. Айниқса, унинг ўзига хос ширин машаққатлари.

Олий ўқув юрти остонасидан ҳатлаб ўтиши билан ёшлар учун ўзгача ҳаёт тарзи бошланади. Хоҳлайсизми-йўқми, талаба бу масканга қадам қўйган кунданоқ аудиторияларнинг ҳолати, кутубхоналардаги камчиликлар, ўқитувчининг дарсга нимада, қандай кийимда келиши, маъруза сўзлашдаги нуқсонлари-ю хатти-ҳаракатидаги майдачуйда деталларгача ўргана бошлайди. Шу тариқа ўзига ибрат, киёс излайди, орзусидаги идеал устозни топишга ҳаракат қилади.

Топмаса-чи?! Ахир, идеал инсоннинг ўзи йўқ-ку! Кимнингдир нимасидир...

Талабалик олтин даврга киёсланса-да, билим олиш йўлидаги машаққатлар, соҳанинг етук мутахассиси бўлиш йўлидаги қийинчиликлар ҳеч қачон ўз-ўзидан енгиб ўтилмайди. Кучли ирода, улкан сабр талаб қилинади.

«И-я, шароитлар бисёр шундай замонда ўқиб-изланишт учун унга нима тўсқинлик қилаётир? Уни қийнаётган қандай муаммолар бор?» Бу каби саволлар бизни жавоб излашга ундади. Шу сабабдан талабалар ҳаётини яқинроқ ва чуқурроқ ўрганишга киришдик. Олий ўқув юрти ва талаба ўртасидаги муносабатларни кузатдик. Талабаликнинг машаққатларини бошқалардан эмас, вилоятимиздаги талаба-ёшларнинг ўзидан эшитиш бизга қизиқ туюлди.

***

— Ўша куни университетга ҳар доимгидан барвақт келдим, — дейди Абдулатиф. — Ёмғир ёғарди. Унинг шиддатига қарамай, университет томон шаҳдам қадамлар ташлаб келаётган устозимизга кўзим тушди. Савлатига диққат қилдим. Ундан бугун ҳам доимгидек ҳақиқий устоз педагог нафаси уфуриб турар, қора ёмғирпўшига ярашган қўлидаги дипломатини кўрган кишида шу инсондек зиёли бўлишга ҳавас уйғонарди.

Домла университет ҳовлисига кириши биланоқ телефонини ўчирди. Унинг бу ишини кузата туриб, мен жуда таъсирландим: ибрат олишга арзирли фазилат. Уяли телефондан ўринли фойдаланиш тўғрисидаги қоида университет низомида кўрсатилган бўлса-да, унга ўқитувчилар қай даражада амал қилиши биз — талабаларга сир эмаску...

***

Хорижий университетлардан бирида таҳсил олиб келган Мафтуна яна бир мавзуга эътиборимизни қаратди:

— Чет элдаги аёл ўқитувчиларнинг ўз касбига жудаям жиддий эътибор беришларини англадим. Улар биздаги айрим хотин-қиз ўқитувчилар сингари ишга тилла буюмларга кўмилиб келмайди. Нари борса, бармоғида никоҳ узуги бўлади. Бизда эса баъзи муаллималаримизнинг тақинчоқларга, замонавий кийимкечакларга ҳаддан зиёд ўчлиги талаба қизларда ҳам уларга эргашиш истагини уйғотмоқда. Аслида, ботиний гўзал инсонни оддий уст-бош ҳам латофатли кўрсата олади...

Ўзини Дилнавоз дея таништирган тенгдошимиз суҳбатимизга қизиқди ва даврага қўшилиб, ўзи гувоҳ бўлган ҳаётий мисолни изҳор этди:

— Мени ва кўплаб тенгқурларимни китоблар, бадиий адабиётлар топиш қийнайди. Ўзбек филологияси йўналишида ўқиётганим учун биринчи ярим йилликда фақат битта фанга тегишли 25 та бадиий асар ўқишим керак. Бундай фанлардан 2 та бўлса, 50 га яқин китобга эҳтиёж сезамиз. Агар 3 та фандан ўқиш зарур бўлса-чи? Гап китобни ўқишда эмас, қаердан топишда! Кутубхонага бор, дейсизми? Бироз шошилманг, бу масалада ҳам андак муаммолар бор. Шаҳримиздаги энг йирик кутубхоналардан излаган китобларимизнинг ўнтасидан биттаси топилса, бошимиз осмонга етади. Чунки қидирилаётган китоблардан китоб қидираётган талабалар кўп. Албатта, китоб дўконларидан сотиб олишимиз мумкин-у... бундай имконият ҳаммада ҳам йўқ-да. Қолаверса, ўқишимиз шарт бўлган барча китобларни харид қилишга стипендиямиз етмайди.

***

— Ҳозир талабалар ўртасида тортишувга сабаб бўлаётган мавзу — обуна масаласи, — дейди Сарвиноз. — Қайси нашрга обуна бўлишни бизда ўқитувчилар ҳал қилишади! Уларга талабаларнинг фикри — икки пул. Буни жудаям нотўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки ўқитувчилар истаги билан обуна қилинган нашрларни йилда бир-марта шунчаки варақлаш мумкин, холос...

Мен ва йигирма етти нафар тенгдошим ўзбек филологияси йўналишида таҳсил оламиз. Биз "Тафаккур", "Тил ва адабиёт", "Жаҳон адабиёти" журналлари ҳамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Туркистон", "Маърифат", "Келажак овози", "Ҳуррият" газеталарига обуна бўлишни и-с-т-а-й-м-и-з!!!

***

Суҳбатимиз жараёнида тенгдошларим билдирган фикрлар фақат уларгагина хос бўлмаса керак, деган фикрга келдим. Тўғри, юртимизда ёшлар камолоти учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида таълимнинг замонавий усуллари қўлланилаяпти. Ҳатто масофадан туриб ўқитиш ҳам йўлга қўйилган. Интернетнинг турмушимизга кириб келиши эса талабаларга ўзига хос қулайлик яратди. Ёшлардан ушбу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда билим олиш, изланиш, интилиш, барча машаққатларни енгиб, илм довонларидан муваффақиятли ўтиш талаб қилинади.

Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам бўлганидек, талабалар билдирган фикрларда ҳам жон бор, мулоҳазалар ўринли, таклифлар жўяли. Шундай эмасми? Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?!

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
Наманган вилояти

Учинчи дунёдан репортаж

Азалдан маълумки, иккита дунё мавжуд: «бу дунё» ва «у дунё». Аммо учинчиси...

Яқинда кутубхоналардан бирига йўлим тушди. Таниш ва нотаниш китобларни варақлайверганимдан, вақт алламаҳал бўлганини ҳам сезмай қолибман. Кутубхоначи опа билан хайрлашиб, ташқарига чиққанимда англадимки, мен ҳозиргина бошқа дунёда — китоблар дунёсида эдим!

Ҳикоят қилишларича, ҳукмдор Нуҳ Ибн Мансур бир бедаво дардга мубтало бўлиб қолган экан. Кўпгина ўлкаларнинг маълум ва машҳур табиблари ҳам унинг дардига даво топиша олмабди. Шунда бир ёш табиб йигит подшоҳ ҳузурига келиб, уни дарддан фориғ қилажагини айтибди. Ўша табиб йигит — Ибн Сино эди.

Подшоҳ бунинг эвазига унга ўз хазинасидан бойлик инъом этмоқчи бўлибди. Аммо Ибн Сино шоҳ Мансур таклифини рад этиб, ундан фақат бир нарсани илтимос қилибди: «Шоҳим, бебаҳо кутубхонангиздан фойдаланишга изн берсангиз, менга шунинг ўзи кифоя», — дебди табиб сўзи охирида.

Шоҳ розилик билдирибди. Зеро ҳукмдорнинг катта кутубхонаси бўлиб, у ҳазрат Ибн Сино учун ҳар қандай олтину кумушлардан аълороқ эди...

Ёдимга келган ушбу ҳикоятни эслашдан муддао кутубхонанинг нақадар буюк ва бебаҳо эканига бир далил эди, холос. Ҳақиқатан ҳам, кутубхона инсоннинг маънавий оламини бойитувчи, дунёқарашини кенгайтирувчи восита, илму маърифат ўчоғи — учинчи дунёдир. Кутубхона ташкил қилиш эса... Энди буни чинакам савоб деса бўлади.

Малика опа Барноева Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, «Баркамол авлод» болалар техник ижодиёти марказида кутубхона ташкил этиб, ана шундай савобга қўл урибди.

Марказда бунга қадар «Дизайн ва компьютер графикаси», «Дурадгорлик», «Майда пластика», «Дўппидўзлик» ва «Фотодизайн» сингари 27 хил касб-ҳунар тўгараклари мавжуд эди. Бироқ бу ерда барчанинг севимли масканига айланиши мумкин бўлган кутубхона йўқ эди. Малика опа Барноева бу ишни ҳам амалга оширди. Тўгарак аъзолари, шу атрофда истиқомат қиладиган одамлар бундан жуда мамнун бўлдилар.

Кутубхонани ташкил этишда «Ўзбекистон», «Чўлпон», «Ғафур Ғулом» ва бошқа кўпгина нашриётлар ўзларининг беғараз ёрдамларини аяшмади: бир қанча болалар адабиётларини кутубхона учун бепул беришди.

— Мен жуда хурсандман, — дейди Малика опа. — Етказган кўмаклари учун нашриёт мутасаддиларига ўз миннатдорлигимни билдираман.

— Шу йили, насиб этса, кутубхонамизнинг электрон вариантини ҳам ташкил қилиш ниятидамиз. Кейинчалик эса бу масканни болалар адабиёти ва санъати музейига айлантирмоқчимиз, — деди опа суҳбатимиз ниҳоясида.

Мулоқотимиз сўнггига етгач, кутубхонанинг ўқув залига назар ташладим: бир болакай мук тушиб қандайдир китобни диққат билан ўқир эди. Мен ҳаёл уммонига ғарқ бўлдим: у ким? Тўгарак аъзоларидан биримикин? Ёки эртанинг Ибн Синоси? Ёхуд келажак Навоийсими?!

Дарҳақиқат, мазкур кутубхона ташаббускори халқимизнинг севимли шоирларидан бири, марҳум Сафар Барноевнинг турмуш ўртоғи эканини таъкидлашни унутибмиз. «Китобга ошно қалблардан ҳамиша зиё таралади» дегани шу бўлса керак-да!

Мансур ЖУМАЕВ

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки (ОАЖ) жамоаси

барчангизни Наврўз айёми билан табриклайди ҳамда эътиборингизга қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:

«Наврўз — 2012»
Сақланиш муддати — 2 йил,
фоизлар ҳар 6 (олти) ойда ёки омонат муддати тугагандан (2 йилдан) сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

Хизматлар лицензияланган.

«ТУРОН БАНК» ОАТБ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни янгиланиш ва яшариш фасли баҳорининг қутлуғ айёми — Наврўзи олам тантаналари билан чин дилдан қутлайди ҳамда банкнинг қуйидаги хизмат турларини таклиф этади:

WESTERN UNION

CONTACT

WWW.CONTACT-SYS.COM

UNIStream

Золотая Корона | ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ

Migom MONEY TRANSFER

MoneyGram. International Money Transfer

БЫСТРАЯ ПОЧТА

Золотая Корона ПЛАТЕЖНАЯ СИСТЕМА

Coinstar

“АГРОБАНК” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

AGROBANK

ўз акциядорларини, мижозларини ва барча юртдошларимизни НАВРЎЗ айёми билан самимий қутлайди!

НАВРЎЗ Сизга БАХТ ва ОМАД келтирсин!

Фермер хўжаликларининг молиявий мададкори

Президентимиз Ислом Каримов шу йил 19 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз молия-банк тизимида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни мамнуният билан қайд этиб, банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини тобора мустаҳкамлаш йўлида изчил ҳамда аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Буни “Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг Жиззах вилоят бошқармаси жамоаси эришаётган ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бошқарма банк филиалларининг биргина ўтган 2011 йил мобайнида фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратган маблағлари ва уларнинг самараси якунларига бир назар ташлайлик. Фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатлар сотиб олиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иш унумдорлигини ошириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш йўлида 2011 йил мобайнида 252 та фермер хўжаликларига 1 миллиард 164 миллион сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Жумладан, 2 та “TS, 2-TL” русумли ҳайдов, 52 та “ТТЗ”, 11 та “МТЗ” русумли тракторлар ҳамда 12 та бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинди. Бундай техникаларнинг харид қилиниши жойларда 5 миллиард 642 миллион сўмлик агротехник хизматлар кўрсатилиб, пахта ва ғалла ҳосилдорлиги ошишида катта омил бўлди.

Чунончи, Арнасой тумани, “Янгибўстон сардори” фермер хўжалигига 1 дона “ТС” ҳайдов трактори сотиб олиши учун 99,6 миллион сўм кредит берилди. Олинган техника ёрдамида хўжаликнинг ўз ер майдони ва қўшни фермер хўжаликлари ер майдонларига ишлов берилди ва 25 миллион сўмлик юмушлар бажарилди.

“Агробанк” ОАТБ Жиззах вилоят бошқармаси тизимларидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, буларнинг барчаси хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бошқарма жамоаси фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фермерчиликда қўшимча ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид бизнес лойиҳаларини молиялашга кўпроқ эътибор қаратмоқдалар.

Ислом СУЛТОНОВ

Ўқув масканларида

Умумбашарий қадриятлар руҳида

Бугунги кунда ёшларни соғлом фикрли, ҳар томонлама баркамол авлод этиб тарбиялашда миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш, маданий меросимизга бўлган қизиқишни ошириш, уларни асрашга ўргатиш долзарб вазифалардан биридир. Шунинг учун барча ўқув муассасаларида бу борада кўплаб маънавият ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Турли хил тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Тошкент Банк коллежида ҳам шу мақсадларда давлат арбоблари, олимлар, санъат намояндалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шоир ва ёзувчилар билан мунтазам равишда турли учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб келинади.

Бундай маърифий тадбирлар ўз навбатида ёшлар дунёқарашини кенгайтиришга, оммавий маданиятнинг салбий оқибатларининг олдини олишга, миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбия топишига ёрдам беради. Коллежда 5 та мутахассислик йўналиши бўйича кадрлар тайёрланади. Унда икки мингдан зиёд ўқувчига 1 нафар фан доктори ва 11 нафар фан номзоди турли фанларга ихтисослашган хоналарда замонавий педагогик технологиялари асосида дарс ўтилмоқда.

М.КАЗАКБАЕВА,
Тошкент Банк коллежининг ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҚУВА ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни қутлуғ баҳор айёми билан самимий табриклайди. Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлишини, элимиз тинч ва фаровон яшашини тилайди.

Наврўз ҳаммамизга омад, соғлик ва бахт келтирсин!

Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма ҳамоаси

барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан самимий мубораквод этади. Хонадонингиздан қут-барака аримасин, азиз юртдошлар!

«Бойсун йўл, хўжалик-таъмир, пудрат фойдаланиш» давлат корхонаси ҳамоаси

халқимизни баҳор айёми — Наврўз байрами билан мубораквод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч ва шодлик тилайми з!

ҚИШЛОҚДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ЗАМОНАВИЙ УЙ!

УЙ-ЖОЙ

- тасдиқланган намунавий лойиҳа асосида қурилади;
- замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилади;
- тайёр ҳолда «калити билан» топширилади;

КРЕДИТ

- энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача бўлган миқдорда ажратилади;
- қишлоқ жойларида яшайдиган;
- 18 ёшга тўлган;
- даромади кредитни қайтариш учун етарли бўлган;
- уй-жой қийматининг 25%дан кам бўлмаган миқдорда дастлабки сармояга эга бўлган;
- кредит ташкилотларидан тўлов муддати ўтган қарздорлиги бўлмаган;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

ИМТИЁЗЛАР

- кредит муддати — 15 йил;
- кредит фоизи — йиллик 7%;
- кредитнинг асосий қисмини қайтариш кредит ажратилгандан 1 йилдан кейин бошланади;
- ер участкаси кимошди савдолари ўтказилмасдан, умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.
- кредит олувчи ва биргаликда қарз олувчининг кредит ва кредит бўйича ҳисобланган фоизлар учун йўналтирган тўловлари даромад солиғига тортилмайди.

БОШҚА ШАРТЛАР

- уй-жой қийматидан бошланғич бадал ва ажратилган кредит чегириб ташлангандан кейин қоладиган миқдор — яъни якуний тўлов, қурилиш ишлари бошлангач, ипотека кредити ажратилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмасдан тўланиши лозим;
- уй-жойни «калити билан» топшириш бўйича шартнома «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилади.

Намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда қуриладиган уй-жойлар юзасидан қуйидагиларга мурожаат қилиш мумкин:

Туман ҳокимликларига;
Қишлоқ (маҳалла) фуқаролар йиғинларига;
«Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига;
«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси филиалларига.
Ахборот маркази телефонлари:
(+99871) 150-39-93, 150-93-39

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

АТИБ «Ипотека банк» Сардор филиали халқимизни Наврўзи олам билан қутлайди ҳамда қуйидаги омонат турларини таклиф этади

«ОИЛА» — қисқа муддатли омонат тури. 15 кун, 1 ой, 2 ой муддатга йиллик 22% даромад тўлаш шарти билан.

«АЁЛ ҚАЛБИ» — қисқа муддатли даромад тури. 1 ой, 2 ой, 3 ой муддатга йиллик 23% даромад тўлаш шарти билан.

«БАХТЛИ ОИЛА» ютуқли омонат тури. 3 ой муддатга йиллик 18% даромад тўлаш шарти билан.

«МОБИЛ» — муддатли омонат тури 3-6 ой муддатга йиллик 26% даромад тўлаш шарти билан (фоизлар алоқа тўловларига йўналтирилади).

«КОММУНАЛ» — муддатли омонат тури. 13 ой муддатга йиллик 30% даромад тўлаш шарти билан (фоизлар коммунал тўловларига йўналтирилади).

Шофиркон туманидаги 2-сон кўчма механизациялашган ўқитилиш жамоаси

барча юртдошларимизни беғубор баҳор айёми — Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Сиҳат-саломатлик, фаровон турмуш, оилавий қувонч ва баҳорий кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!

«Бойсун-256 хўжаликлараро қурилиш корхонаси» МЧЖ жамоаси

юртдошларимизни умумхалқ байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади. Мамлакатимиз обод, фаровонлигимиз абадий бўлсин!

NBU

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банки

Мамлакатимиз аҳлини умрбоқий айём — Наврўзи олам билан муборакбод этади ва миллий валютадаги янги муддатли омонат амалга киритилганини маълум қилади:

“НАВРЎЗ”

- **сақлаш муддати – 3 ой;**
- **омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;**
- **фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади;**
- **бошланғич бадал миқдори чегараланмаган.**

Омонатга маблағ қабул қилиш
2012 йилнинг 1 майигача амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиали/дан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

21 МАРТ

Онлайн мулоқот

“Мустаҳкам оила — жамият пойдевори”

2012 йил — “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан кўплаб самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жорий йилнинг 1 мартидан то 26 апрелига қадар ҳафтанинг пайшанба кунлари ҳаракатнинг Марказий кенгаши биносида “Мустаҳкам оила — жамият пойдевори” мавзусида туркум ижтимоий онлайн мулоқотлар ташкил этилаяпти. Хусусан, навбатдаги тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, ёш актёрлар Адиз Ражабов ва Алишер Узоқовлар иштирок этишди. Суҳбат давомида севимли актёрларимиз оила борасидаги ўзларининг орттирган тажрибалари, оиланинг муқаддаслиги, унинг масъулияти хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Мазкур суҳбатни интернет орқали онлайн тарзда вилоятлардаги ёшлар ҳам тўғридан-тўғри томоша қилишди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилаётган бундай маърифий-маънавий тадбирлар юртимизда оила мустаҳкамлигига, ота-оналар масъулиятни янада ҳис қилишларига, ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг янада ошишига хизмат қилади.

Мулоқот давомида тадбир қатнашчилари ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Онлайн мулоқотлар жорий йилнинг 26 апрелига қадар давом этади.

Давронбек ОРИПОВ,
“Hurriyat” мухбири

В БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
жамоаси

барча юртдошларимизни
янгиланиш ва яшариш айёми –
Наврўзи олам
билан самимий муборакбод этади.
Шу муборак замин аҳлига сиҳат-саломатлик, хуш кайфият, тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Байрамингиз муборак бўлсин!

Бойсун туманидаги
«Жасур» МЧЖ жамоаси

юртимиз аҳлини Наврўз айёми билан муборакбод этади.
Наврўз элимизга омонлик, хонадонларимизга қут-барака, дастурхонларимизга тўкин-сочинлик олиб келсин.
Меҳнаткаш ва яратувчан бободеҳқонларимиз учун йилбоши ҳар доимгидан-да файзли, баракали бўлсин!

Тошлоқ туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими маъмурияти ва касаба уюшмаси жамоаси

халқимизни фасллар келинчаги — баҳор, янгиланиш, яшариш ва гўзаллик байрами — Наврўз билан самимий қутлайди!

Бойсун туманидаги
«Сафар» МЧЖ жамоаси

диёримиз аҳлини, юртимиз меҳмонларини баҳорий байрам, янгиланиш ва яшариш фасли — Наврўзи олам билан табриклайди.

Йил бошидаги ёруғ ўйлар, пок ниятлар ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Муҳаббатнинг шундоқ синоати бор

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

АЖР

Ёмон тушлар кўрсанг,
Босинқирасанг,
“Алҳамду”ни айтгин,
Қочади шайтон.
Фалакда нисбангни
Ўйлаб қарасанг,
Сен ҳам ҳазилакам
Эмассан, Инсон!
Сени яратганди
Аслида Аллоҳ,
Бош бўласан, дея
Фаришталарга.
Лекин тинч юрмадинг
Аршда ҳам, эвоҳ,
Аралашиб қолдинг
Ҳар хил ишларга.
Аллоҳнинг қошида
Бўлсанг ҳам иқрор,
Ажрингни гоҳ узиб,
Узолмагансан.
Кечирмайин, деса
Ибодатинг бор,
Кечирайин, деса
Тузалмагансан.

14.02.2012

ҲАЁТ

Отам ўйга чўмиб дерди доимо:
— Болам, феъли торлик бу ҳам бир завол.
Кенг бўл, оёқларинг орасидан то
Ўтиб кета олсин туя бемалол.

Умрим йўлларида кўрдим кўп зотни,
Отам айтганидек улуғвор, юксак.
Улар ўргатдилар менга ҳаётни
Не-не синовларда ибрат ва ўрнак.

Комил бўлолмадик афсус кўп замон,
Хатолар, ўкинчлар юрди сафма-саф.
Барри кенг инсонлар ўзи бир томон,
Бадбин кимсалар ҳам бўлди бир тараф.

Тавба эшиклари очиқ ҳар маҳал,
Шу қадар кенг эрур Аллоҳ даргоҳи.
Эгам-ку кечиргай, лекин даставвал,
Инсонга оиддир Инсон гуноҳи.

Отамнинг гапларин эсласам гоҳо
Ўтар кўз олдимдан туялар, отлар.
Улар учрамади менга, ажабо,
Кўпроқ дуч келишди майда жонзотлар.

04.02. 2012 йил.

ЭЪТИҚОД

Мутал Бурҳон доим таъкидлар эди:
— Билинг, бу дунёда икки хил дўст бор,
Бири нон дўстидир, бири жон дўсти.

Умри давомида улуғ бастакор
Учрата олдими иккинчисини?
Бу менга қоронғи, менга номаълум.

Лекин айтган гапи ростдир мутлақо,
Исботи кўп эрур тарихда бунинг.
Ҳозир ҳам одамзод феъли ўшадир.

Таъма деган иллат токи яшаркан
Дуч келган ҳар ишга аралашади:
Дўстликка, севгига, ҳатто ўлимга.

У боис ёқтирмас гадони гадо.
Апоқ-чапоқ юрган номдор бойлар ҳам
Ёвлашар, орага манфаат тушгач.

Султон Бойқаронинг пинжига кириб,
Мартаба топишган ялтоқи зотлар
Қатл эттирганлар Мўмин Мирзони.

Римда, тожу тахтнинг таъмаси учун
Ханжар урганида ишонган дўсти,
Цезарь нидо қилган: “Сен ҳамми, Брут?!”

Дўстни фармон билан тайинлаб бўлмас,
Ўртага тушолмас бирорта қози.
Файласуфнинг гапи — шунчаки юпанч.

Ёлғизликни ким ҳам ихтиёр этгай,
Лекин топилгайми сен истаган дўст?
Наҳот ўлим каби чораси бўлмас.

Собит бир туйғу бор, Эътиқод деган,
Мансабу бойликка бўйсунмагай у.
Иймонга эш бўлса, айнимас сира.

Яхшилик, садоқат, ҳатто адолат
Гоҳо илтифотга ўхшаб кетгайдир.
Эътиқод йўқ жойда улар бурч асли.

Кимдир бир замонлар бемор онасин
Маккага етти бор опичлаб бормиш.
Онага эътиқод ҳикояти бу.

Отанг дуосини пойламоқ шартми,
Шартми кутиб юрмоқ фарзанд хизматин.
Ватанни севмоқ ҳам иймондан эмиш.

Фақат эътиқодинг туфайли сени
Кўкда фаришталар қўриқлар экан,
Улар сўрайдими бунга бир эваз?

Худо раҳмат қилсин Мутал Бурҳонни.
Ҳисса шул: дўстликда эътиқод бўлса
Омонат кўприкка бошлаб бормагай.

09. 03. 2012 йил.

МУФТИ

Муфти ҳазратлари, сизга осонмас,
Осонмас, дунёда энг улуғ диннинг
Қутлуғ даргоҳида мужовир бўлмоқ.

Бир пайт жоҳилият корандалари
Маломат қилганди Расулуллоҳга:
— Биз ҳам ёзишимиз мумкин Қуръонни.

У сўқир бандалар билмас эдилар,
Жаброил лафзида, Ҳиро ғорида
Илоҳий оятлар нозил бўлганин.

Ўша оломоннинг ичида эса
Бор эди замоннинг шоирлари ҳам.
Қаламлари равон, лекин киборли.

Расулуллоҳ деди: — Бирор оятни
Кимдир уддасидан чиқиб ёзолса,
Каъба деворига келтириб илсин!

Бир тўда қаламкаш туну кун тинмай
Ёздилар, ва лекин, эплай олмагач,
Дедилар: — Ожизмиз бундай каломга.

Қуёшга тик қараб бўлурми ахир,
Шундоқ нидо келди қодир Аллоҳдан:
— Бу қавм шайтоннинг югурдаклари!

Улуғ эътиқоднинг муждаси эса
Олис элларга ҳам бориб етганди.
Покланмоқда эди кир бўлган қалблар.

Бирор оилада қиз туғилса гар
Жаҳолат тириклай кўмиб ташларди.
Мудҳиш ёвузликни манъ этди Қуръон.

Ерда бунёд бўлди Инсоф, Диёнат.
Бебаҳра қўймади шоирларни ҳам,
Ҳикмат бўлсин, деди, шеърларингизда.

Муфти ҳазратлари, сизга осонмас,
Ахир яшаб келар нодонлик ҳануз,
Нафс билан ёнма-ён, найрангга ўртоқ.

Муқаддас Қуръонни зикр этиб гўё,
Савоб панасида кечиргайлар кун.
Гоҳо салтанатга интиладилар.

Шайтон ҳунарини ташлаган эмас.
Ҳамон қон оқади қай бир элларда,
Қизлар ёниб кетар, оналар гирён.

Ҳали кўринмасдан Чотқолдан қуёш,
Юксак Хасти Имом минорларидан
Ёйила бошлайди азон товуши.

Усмон мусҳафидан нурлар таралар.
Муфти ҳазратлари, тиловат қилинг,
Бандасига Ўзи қаноат берсин.

04. 03. 2012 йил.

ҲУР ФИКР, ОЗОД РУҲ

Абдулла Орипов шеъриятида Ватан суврати

Кеч куз эди, мен сени кўрдим,
Деразамдан боқарди биров.
У сен эдинг, о, деҳқон юртим,
Турар эдинг ялангтўш, яёв.
— Ташқарида изиллар ёмғир,
Кир, бобожон, яйрагил бир оз.
Дединг: — Пахтам, қолди-ку ахир,
Йиғиштирай келмасдан аёз.
Кетдинг, умри махзаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Атоқли шоир Абдулла Ориповнинг ушбу мисраларида акс этган бетакрор манзара унинг «Ўзбекистон» шеърида ифодасини топган. 1964 йили ёзилган бўлса-да, бу шеър анча кейин, 1969 йили нашр этилган. Шўро замонида она Ватан сувратини бу қадар теран ва жонли, юксак маҳорат ва дард билан тасвирлаш бахти, назаримда, ҳеч бир шоирга насиб этмаган. Шу оддий ва бениҳоя самимий сатрларда чизилган Ўзбекистон суврати «Чўли ироқ» ва «Муножот»нинг ҳазин оҳангларидек кўнгилда ажиб туйғулар уйғотади.

Танти ва ялангтўш деҳқон тимсолидаги она Ватан, унинг дардларига дармон бўла олмаслик алами ва шу алам ичра:

Сен кетарсан балки йироққа,
Фарғонада балки балқарсан.
Балки чиқиб оқарган тоққа,
Чўпон бўлиб гулхан ёқарсан, —

дея қилинган мурожаат — суврати чизилаётган Ватан келажагига порлоқ ишонч ва орзу-умиднинг ёркин поэтик ифодаси. Ўша пайтда бу ишончгина эмас, дил ҳайқириғи, кўнгил исёни ҳам эди! Не-не дилларда тугун бўлиб ётган чинакам ватанпарварлик туйғусининг юз очиши, бу қутлуғ ҳис-ҳаяжоннинг бадиий сўзда ардоқланиши, баркамол талқини эди. Кўнгилларда буюк сурур уйғотган бу сатрларни кўзда ёш ҳалқаланмай ўқиб бўлмасди ўша даврда. Ватан тақдирига дахлдорлик, юртдошлар дардига дардкашлик туйғуси қалбингга ҳеч кимга тил ёриб айтолмайдиган истиқлол орзусини солар, юрак тубидаги энг азиз ва соҳир ҳисларни баногоҳ уйғотиб юборарди. Ўша кезлар шоирнинг овози 30-йилларда миллат бахтини, ҳурриятни орзу қилгани учун қатағон этилган Чўлпону Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носирларнинг қалб нидоси янглиғ жаранглаганди.

Биз, 60-йиллардаги университет талабалари она Ватанимиз сувратини мана шу бетакрор мисралар орқали кўз олдимизда гавдалантирардик. Фақат биз эмас, 30-40-йилларда қатағон оловларида куйиб, миллат қайғусини ичига ютиб юришга мажбур бўлганларни ҳам Ватаннинг бундайин тиниқ суврати мудроқликдан уйғотганди. Давр ёшлари Абдулла Ориповни мана шунинг учун ҳам севар, у билан фахрланишар эди.

«Ўзбекистон» қасидасида бадиий такомилига етган, Ватан сувратининг манзаралари анча аввал ёзилган «Юзма-юз» достонидаёқ намоён бўла бошлаганди:

Ажойиб фасл бу: ўйчан, баркамол —
Қиздай маъюсгина туради куйлаб.
Мен кузни севаман, кезаркан хушҳол
Олтин Ўзбекистон тупроғи бўйлаб.

... ...

Куйлагим келади, тунлар жимгина,
Гулгун шафақларнинг соғлиги учун.
Кумушранг йўлларда от суриб юрсам,
Шимирсам шабнамдан, куйласам сармаст.
Сўнгсиз водийларга термулиб турсам,
Бепарво оҳуда қўзғасам ҳавас.
Аммо кечалар мен кезсам-да бедор,

... ...

Оҳулар қўйнимга кирса-да қиздек,
Менинг нигоҳимни тортади такрор,
Миллион эгатларга сочилган ўзбек.
Гарчанд пахтазорга боқаман мен ҳам
Ва лекин дилимда ташвиш бор менинг.
Майлига, шўх қўшиқ янграсин тилда,
Рангпар сингилгинам, ўйлайман сени.

... ...

Сенинг қаторингда она халқ бордир:
Сен каби меҳнаткаш, сен каби суюк.
Унинг ташвишини унутмоқ ордир,
Уни унутганлар — тўнкадир, куюк.

Абдулла Орипов шеъриятининг қудрати унинг озод руҳиятидадир. Бу шеъриятдаги энг тансиқ маънавий неъмат, энг соҳир туйғу — бу унинг озод руҳидир. Шу жиҳати билан олтмишинчи йиллар ўзбек шеъриятига шоир тоза ҳаво, янги тўлқин олиб кирган эди. Ва айни шу жиҳати билан қадр топганди. Тоғ чашмасидек мусаффо, ботиний мазмун-моҳияти теран, ранглари, туйғулари, оҳанглари камалакдек сержило шеърлари дилларни эркалар, самимий жозибаси билан қалбларни забт этарди. Элга дарддош, юртга қайғудош, армонлари бисёр бу шеърлар тилга чиқмай дилда тугун бўлиб ётган «исмсиз дардлар»дан сўзларди. Мисоли яловдек курашга чорларди. У ялов эди. У туғ эди. У мадҳия эди. Орзусига етолмаётган, бикқи муҳит ичра тўлғонаётган миллатни ўз армонлари ушалиши йўлида қаноат қоқишга даъват этарди.

...Мен сени куйламоқ истайман,
Аммо шундай куйласамки,
Йиртилиб кетса овоз пардаларим...
Мен сендан бўсалар олмоқ истайман:
Аммо шундай бўсаларким —
Тирқираб қон оқса лабларимиздан,
Зотан, одамлар севгисини ҳам
Алами, нафрати, қувончи каби
Ҳайқириб, ҳайқириб очиб ташласин.
Истайманки,
наъра тортсин чақалоқлар ҳам,
Ўликлар ҳам тинч ётмасин қабрларида.
Мен ҳамма нарсани буюклигича
кўрмоқ истайман
XX аср одамларида...

Абдулла Орипов шеъриятидаги озод руҳ мана шу сингари кўплаб қуйма мисраларда ўз ифодасини топган. У кезлар, айтишга ботина олмаган эсак-да, шоир шеърларида нимани назарда тутганини англаб, уни тасаннолар деганимиз, улкан кошоналарда ўтган шеърият анжуманларида олқишларга кўмиб юборганимиз кечагидек ёдимизда.

Бамисоли нодир металлдан зеб бериб ясалган обида янглиғ шоирнинг қуйма мисралари шу қадар табиий ва теранки, уларнинг ҳар бири Ватанимиз сувратига тимсол бўлгулик.

Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида,
Салқин туман ичра бўзарар тонглар.
Қуёшнинг эринчоқ ёғдуларида
Нафис ялтирайди барги хазонлар.
Ҳар ёнда тўкинлик...
Куздан нишона...
Ҳар ёнда гўзаллик ёймиш дафтарин.
Сонсиз эгатларга сочилмиш, ана,
Менинг шодликларим, эзгу дардларим, —
Менинг она халқим...
Эй қадим, ҳалол,
Ризқи она ерга сепилган халқим,
Ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол,
Миллион эгатларга эгилган халқим!..
Улуғ Алишернинг соч оқин кўриб,
Оғир хаёлларга чўмган бу фасл.
Қайрағоч ёнида ғамгин ўтириб,
Чолларга ҳассалар йўнган бу фасл,
Азалий кўркини қилади кўз-кўз...

Шоирнинг бундай образ-кашфиётлари, оҳорли ташбеҳлари шеърларига мукаммаллик бахш этган. Мумтоз ҳайкалдек муҳташам, сурури баланд таронадек янгроқ бу шеърларни тинглаган, ўқиган мухлис гўзал манзаралар замиридаги истеъдод қалби, тафаккурини, маҳорат сабоғию ҳиссиётлар аланга-сини, юртга фарзандлик меҳрини яхлит ҳолда Ватан суврати каби тасаввур этади. Мутолаа жараёнида ўқувчи шеърий нафас ва поэтик тафаккурдан ҳайратланиш асносида она-Ватанни «бир фарзанд бўлиб», «митти дилбанд бўлиб», «фарзанд меҳри билан боқиб» севиш бахтига мушарраф бўлади. Шоир истеъдодининг моҳияти юртсеварлик туйғуси билан шу даражада уйғунлашиб, чамбарчас боғланиб кетганки, унинг шеърий тафаккурига қудрат, асов туйғуларига маъно-мазмун бахш этган сеҳрли куч Ватан туйғуси эканига иқрор бўласиз.

Ватанни шу қадар буюк муҳаббат билан сева олиш мумкинми?! Бу ҳақда ўйлаганда, баногоҳ, яна шоирнинг бир мисраси момақалдироқдек гумбурлаб жаранглайди, бамисли тоғ бургутидек қаршингизда намоён бўлади:

Бироқ урраларни севмайман ҳали,
Урра демоқликка қисиқдир тилим!
(«Юзма-юз»)

Шўро мафкураси Ватан деганда Ўзбекистон эмас, собиқ СССР назарда тутилсин, дерди. Ўша мафкура иддаосида сенинг она тилингни, аждодларинг яратган буюк салтанатларни, жаҳон тамаддунига улар қўшган беназир ҳиссани, жаҳон эътироф этган буюк алломаларинг шон-шавкатини унуттиришга жидду жаҳд бор эди. Фақат бизни эмас, ўз тарихи ва миллий қиёфасига эга яна ўнлаб миллатларни тобе қилиб олган зўравон тузум бундай ғаламис сиёсатни зўр бериб тиқиштираётган пайтда чинакам шоирнинг виждони тинч турармиди? Ўшандай шароитда ҳам бахтни куйлаб бўлармиди? Ёхуд бахт созининг жаранги юракларга сиғармиди? Йўқ, бундай шароитда Ватанни сева олиш учун чинакам бардош зарур эди.

Халқимизнинг улуғ армонлари ушалиб, орзуси рўёбга чиқиб, Ўзбекистон озод бўлди. Бироқ Ватанни севишга бугун ҳам бардош керак. Ҳурликни мўмай бойлик орттириш имкони, деб ўйлайдиганлар, шахсий ҳузур-ҳаловат илинжида ватандошлари насибасига чанг солувчилар, обрўпарастлар, маҳаллийчи тўралар қавмининг андишасизликларини кўрганда Ватанни чинакам севиш учун ҳамиша чўнг бардош кераклигини ҳис этамиз. Демак, чинакам шоирнинг тафаккур даҳоси Вақт ва Замон билан кифояланмас экан, улар чегара эмас экан, эллик, юз йиллар унинг учун сарҳад эмас экан. Аксинча, Ватан шаънини улуғлаб, ватанпарварликдан сабоқ бераркан. Бу бамисли нурдек, камалакдек сержило. Шоиримиз лутф этганидек, «камалакни эса парчалаб бўлмас».

Абдулла Орипов шеърлари мухлисларга ёд бўлиб кетган. Образли топилмаларнинг қуймалиги ҳам уларни ёд олишга ундайди. Бу шеърлар билан яхши таниш мухлис уларда инсон ҳиссиётларининг турфа ранглари бамисли туйғулар қомуси даражасида ифодаланганини эътироф этади. Бу жиҳатдан шоирнинг она табиат гўзалликларидан илҳомланиб ёзган асарлари ҳам алоҳида эътиборга молик. Катта-катта туркумлардан иборат бу шеърларда фасллар таровати ҳаёт фалсафаси билан уйғунлашиб кетган. Айни дамда муайян фаслнинг ўзи ҳам юксак бадиий образ сифатида намоён бўлади. Айниқса, «Баҳор» шеъри бетакрор янгича руҳ билан қалбингиздан жой олади. Ундаги дил рози кўкламнинг теран фалсафасини ифодалайди.

Дилбар келинчакнинг кўксида гулу
Зардоли шохига ташлар кўз қирин.
Барг аро шуълалар кафтларимкин у
Баҳор тетапоя гўдакдай ширин.

Кўклам кезлари келинчакнинг ўрик шохларига «ўғринча» (ийманиб) кўз қирин ташлаши унинг бошқоронғи эканидан дарак беради. Барглар орасидан тушаётган парча-парча қуёш нури эса унга туғилажак фарзандининг майин кафтларидек туюлади. Ҳақиқий шоиргина бу туйғунинг суратини ана шундай миллий тимсол ва образлар орқали ифода этиб, тетапоя гўдакдай ширин баҳорнинг ҳаётбахш фалсафасини ярата олади.

Шоир баҳор ёки куз фасли уйғотган ҳиссиётлардан сўз очаркан, янги образ, янги туйғулар кашф этади. Баҳорий туйғуларни «қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам», «тошқинлар киради қалбимга маним», дея ифода этса, кузни «чолларга ҳассалар йўнган бу фасл»га менгзаб, унинг ўзига хос фазилату армонларини қаламга олади.

Албатта, мумтоз шеърдан бир мисрани ажратиб олиб таҳлил этмоққа, шарҳламоққа уринмоқ самарасиздай кўринади. Шеър яхлит ҳолида мукаммаллик касб этади. Улуғ бир куйнинг оғир ва маҳзун оҳангларини эслатувчи «Юзма-юз» достонида шундай мисралар бор:

Ҳайқиряпман ҳозир... Баъзида лекин
Заиф шамолларга бўйсунар созим.

Ўша «заиф шамоллар» шоирнинг кўнгил торларига бемисл андуҳлар солар эди. Кўнглидагини бор овоз билан айтишга қўймас, унинг ҳар бир тўғри сўзидан қилдан қийиқ ахтаргандек, эгри маъно изловчилар ҳам кўп эди. Шоир кейинроқ бир шеърида рўй-рост айтганидек, «хато қилишингни кутарлар» оз эмасди.

Шоирнинг бахти ўттиз йилдан кўпроқ давр мобайнида ўзи аланга олдирган туйғунинг истиқлол боис эъзоз топганидадир. Буни англамоқ учун унинг истиқлол йилларида қувончга тўлиб, айни дамда бизни огоҳликка даъват этиб ёзган шеърларини мутолаа қилмоқ кифоя.

Неча юз йил сен курашдинг
Мустақиллик они деб,
Сен ани топдинг,
улуғ имкон муборакдир сенга.

* * *

Боболар кечмишин
ҳаргиз фаромуш айламанг, дўстлар,
Ҳақиқат тонги отганда
ани туш айламанг дўстлар,
Агар ким эътиқодсиздир,
ани хуш айламанг, дўстлар,
Ватандин айри кўнгилни,
билингки, яратиб бўлмас,
Баайни банди булбулни
чамансиз сайратиб бўлмас.
(«Ватан».)

Истиқлол, садағанг кетай, Истиқлол!
Бунча оғир экан қутлуғ йўлларинг.
Ишонай, дуч келса, агар ёв қаттол,
Бурда-бурда қилсин уни қўлларинг.
(«Бедорлик».)

Каттакон йўлга чиқдинг,
йўлдошинг бўлай, халқим,
Фарзандингман, қўллайсан,
қўлдошинг бўлай халқим,
Ҳасратинг кўп дилингда,
дилдошинг бўлай халқим,
Фақатгина халқ яшар,
фақатгина қолур халқ.
(«Халқ».)

Истиқлол йиллари халқимиз эришган улкан ютуқлар атоқли шоир ижодига янгидан қанот бағишлади. Унинг мустақиллик даврида яратган шеър ва достонлари, публицистик чиқишларида Ўзбекистоннинг ғоят қисқа даврда жаҳон узра ўз қонуний мақомини эгаллаб, довруғ тараётгани ифтихор ила тараннум этилмоқда. Шоир кўнгил изҳорларини юрдошларимиз билан муттасил баҳам кўриб келаётир. Шеъру достонлари, катта-кичик китобу тўпламлари истиқлол йилларининг маънавий солномаси, инсоний соҳир туйғулар қомусига янги саҳифалар бўлиб қўшилмоқда.

... Муҳаббат шундайин сирли қудратким,
Тоғлардан буюгу гуллардан нозик,
Унинг қадри ҳатто жондан азизроқ.

Қошида шам каби ваҳший қоялар,
Денгиз тўфонлари гўжум ҳаридек.
Муҳаббатнинг шундоқ синоати бор.

У боис сен учун суюкли башар,
Гўзалдир, хунукдир — барча-барчаси
Яқинроқ туюлгай қариндошингдан.

У боис сен учун бетимсол миллат,
У боис сен учун тилинг ҳам тансиқ,
У боис сен учун муқаддас Ватан!
(«Уйғунлик».)

Шоир тафаккур туғёнларини жозиб тимсоллар воситасида бадиий талқин этар экан, инсоний баркамоллик мезонларига доир теран хулосаларини янги ташбеҳлар билан муҳрлайди. Беназир аждодлар ва буюк даҳоларнинг маънавий меросидан руҳият тилсимларига жавоблар излайди.

* * *

Ўтган даврда босиб ўтилган йўлларга бир қур назар ташлаганда кўз олдимизда турфа манзаралар намоён бўлади. Истиқлолни соғиниб шоир шеърларидан таскин топган ва қалбимизда умид шамчироғи порлаган онлар, улкан анжуманларда янграган шеърларнинг даъваткор руҳи ва истиқлол тантаналардаги ҳаяжонли лаҳзалар халқимиз ҳаётининг унутилмас тарихи эканига иймон келтирамиз.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

ТАБРИКЛАР

Реклама

“СУРХОНДАРЁ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”
акциядорлик жамияти жамоаси

барча ҳамюртларимизни
янгиланиш ва яшариш айёми —
Наврўзи олам
тантаналари билан
муборакбод этади.

давомида омад ва қувонч
доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

“ҚЎНҒИРОТ УН ЗАВОДИ”
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗНИ
НАВРЎЗ БАЙРАМИ
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.
КЕЛАЖАККА ИШОНЧ,
ЖЎШҚИН ҚАЛБ БИЛАН АМАЛГА ОШИРГАН
БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНГИЗ
РОҲАТИНИ КЎРИШ
НАСИБ ЭТСИН. ХОНАДОНЛАРИНГИЗДАН
ҚУТ-БАРАКА ВА ШОДЛИК
ҲЕЧ ҚАЧОН АРИМАСИН!

«ACAKA ËF»
акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни она табиатнинг уйғониш фасли — Наврўзи олам билан чин дилдан муборакбод этади.

Озод Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросига оилавий тинчлик, тансиҳатлик, тўкис бахт ҳамда юртимиз равнақи йўлида амалга ошираётган фидокорона меҳнатларида улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилайди!

Байрамингиз муборак бўлсин!

«QO'QON SPIRT» OAJ
жамоаси

барча юртдошларимизни тўътабар байрат — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан чин дилдан тубораквод этади.

Озод Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросига оилавий тинчлик, тансиҳатлик, тўкис бахт ҳамда юртимиз равнақи йўлида амалга ошираётган фидокорона меҳнатларида улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилайди!

Байрамингиз муборак бўлсин!

Яхши мақол — ақл қайроғи

Деҳқон бўлсанг, ер бошида бўл, сипоҳ бўлсанг эл қошида бўл.

Деҳқон ёмғир тилайди, кулол аёз тилайди.

Деҳқон ёғса тинар, чўпон ўлса тинар.

Деҳқон тариғидан кечса ҳам, чумчуқлар чиқишолмайди.

Деҳқончилик — чилик-чилик, бўлмаса — қуруқчилик.

Наврўздан сўнг қиш бўлмас, мезондан сўнг ёз бўлмас.

Ҳут кирди — деҳқон пайтавасига қурт кирди.

Ҳаракат, ҳаракатда — баракат.

Яхши йил баҳоридан маълум.

Йил яхши келса, арқар кетмас.

Экин эккан текин ўрар.

Эксанг — ўрасан, ҳузурини кўрасан.



HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёқуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

Адади: 12574 Буюртма — Г-355 12 45